

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ФАЛСАФА ФАКУЛЬТЕТИ
СОЦИОЛОГИЯ КАФЕДРАСИ**

ХОЛИҚУЛОВ ЭЛДОР БОҲОДИР ЎҒЛИ

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

**МАВЗУ: ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ СИЁСИЙ МАДАНИЯТИНИ
ШАКЛЛАНТИРИШДА ОАВ НИНГ ЎРНИ**

Илмий раҳбар:

Кат. ўқ. Жиянмуратова Г.Ш.

Тошкент – 2013

М У Н Д А Р И Ж А

КИРИШ.....	3-10
1-БОБ. ЁШЛАР СИЁСИЙ МАДАНИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ.....	11-34
1.1. Сиёсий маданият тушунчаси ва унинг ёшлар хаётидаги ўрни.....	11-22
1.2. Ёшлар сиёсий маданияти ҳамда ёшларда сиёсий, хуқуқий, ахлоқий маданиятнинг узвий алоқадорлиги.....	23-34
2-БОБ. II-БОБ: ОАВ ОРҚАЛИ ЁШЛАР СИЁСИЙ МАДАНИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ДОЛЗАРЪ МУАММОЛАРИ.....	35-68
2.1. Оммавий ахборот воситаларининг ижтимоий аҳамияти ва тушунчаси	35-41
2.2. Сиёсий-хуқуқий фаолликни шакллантиришда оммавий ахборот воситаларининг ўрни	41-50
Хулоса ва таклифлар.....	51-54
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	55-58
ИЛОВАЛАР.....	59-70

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Ўзбекистондаги сиёсий жараёнлар давлат ва жамият қурилишида сиёсий институтларда иштирок этувчи субъектларнинг турли-туманлиги ва уларнинг ўзаро муносабатлари билан характерланиб, ўзига хос янгиланиш, демократлашув ва модернизастия жараёнларини бошидан кечирмоқда. Жамият ва давлат тараққиётининг ҳозирги ҳолати сиёсий муносабатлар барча иштирокчиларининг сиёсий маданиятини ва ҳуқуқий саводхонлигини ҳар томонлама оширишни талаб этмоқда. Жамиятда сиёсий маданиятни шакллантириш муаммолари шунини кўрсатмоқдаки, сиёсатшунослик, юридик соҳа олимлари бу муаммоларни ечишга катта эътибор беришлари лозим. Айниқса, ёшларда сиёсий маданиятни юксалтиришга катта эътибор бериш керак. Чунки, бугунги кунда мамлакатимиз аҳолисининг 40% ини 18 ёшгача бўлган, 64% ини 30 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этади. Ёшларда ахлоқий, сиёсий ва ҳуқуқий маданиятга асосланган тинчлик маданиятини шакллантириш долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Чунки ҳар қандай маданиятнинг негизида тинчликка етакловчи мақсад ётади. Ёшларнинг сиёсий маданиятини шакллантириш, уни ўрганиш жамиятимизнинг келажакдаги сиёсий ҳолатини қай даражада билишни баҳолаш, тасаввур қилишга имкон яратади.

Эълон қилинган мустақил, янги давлатнинг мавжудлиги ва барқарорлигининг асосий манбаси-сиёсий онг ва сиёсий маданиятга эга бўлган фуқаролари (яъни, аввало ёш авлод) этиб белгиланди. Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганларидек, «Ҳар қандай жамиятда демократия қай даражада эканлигини белгиловчи камида учта мезон мавжуд. Булар-халқнинг қарорлар қабул қилиш жараёнларидан қанчалик хабардорлиги, ҳукумат қарорлари халқ томонидан қанчалик назорат қилиниши, оддий фуқароларнинг давлатни бошқаришда қанчалик иштирок этишидир»¹.

¹ Каримов И.А. Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз бўлсин // Адолат, ватан ва халқ манфаати ҳар нарсдан улуғ.- Тошкент: "Маънавият", 1998.-Б.57.

Истиқлол йиллари мамлакатимизда ёш авлоднинг соғлом ва баркамол бўлиб вояга етишиши масаласига давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Айниқса, ана шу эзгу ниятларни амалга оширишда йўлида таълим тизимидаги ислохотлар узвийлиги, таълим ва тарбиянинг ўзаро уйғунлигини ҳамда умуминсоний ва миллий кадриятларга таянишни таъминлашга алоҳида эътибор берилаётганлиги муҳимдир. «Биз озод ва эркин халқмиз. Шунинг учун дунёдан ҳеч кимдан кам бўлмайдиган, эртага мана шу заминимиз шуҳратини бутун дунёга тараннум этадиган авлодни тарбиялаб, вояга етказишимиз лозим. Шу орқали жаҳонда ўзимизга муносиб ўрин эгаллашимиз лозим. Бунга эришиши учун «Биз киммиз, кимларнинг авлодларимиз?»² деган савол доимо қалбимизда, юрагимизда жаранглаб туриши зарур»² - деган эди Президентимиз И.А.Каримов.

Тадқиқотнинг долзарблиги ҳам, биринчидан, ёшларнинг сиёсий жараёнлардаги ўрни ва ролини ўрганиш билан боғлиқ; иккинчидан, сиёсий жараёнларнинг демократиялашувида ёшлар сиёсий маданиятининг ўрни масаласига соистиологик нуқтаи назаридан ёндашиб, ўрганилганида илмий-тадқиқот ишлари ижтимоий-сиёсий фанларда етарлича амалга оширилмаётганлиги билан изоҳлаш мумкин; учинчидан, ёшларнинг сиёсий маданиятини шакллантириш ва сиёсий жараёнлардаги иштирокининг ўзига хос хусусиятларини ўрганишнинг ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга эканлиги билан алоқадор. Бу республикадаги ёшлар улуши юқори эканлиги, умуман ёшларнинг ўрни ва роли, ёшларнинг таркиби, хусусиятлари, сиёсий ҳаётдаги иштироки билан алоқадор эканлиги; тўртинчидан, ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги, уларнинг жамоат бирлашмалари билан алоқаси, тегишли сиёсий институтлар орқали давлат ва жамият қурилиши жараёнларини тушуниб етиши ва бу соҳалардаги иштирокига ҳалақит бераётган айрим омиллар, шарт-шароитларни таҳлил этишга бўлган зарурат ҳам уни ўрганишни тақозо этади; бешинчидан, ёшлари таркиби, уларнинг онг ва

² Каримов И.А. Биз танлаган йўл- демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. – Тошкент., 2005. Б. 126.

дунёкараши, сиёсий мақсад ва интилишларининг қандай йўналишга асосланиши уларнинг сиёсий маданиятининг шаклланишига ўз таъсирини кўрсатади; олтинчидан, ёшларнинг сиёсий жараёнларда иштироки, қарорлар қабул қилишда уларнинг ўрни, роли давлатнинг ёшларга доир сиёсатидан келиб чиққан ҳолда ўрганишни тақозо этади; еттинчидан, сиёсий жараёнларда ёшларининг сиёсий маданиятининг ўрнини чуқур ўрганиш асосида илмий далилларга асосланган хулосалар, ечимлар, уларнинг сиёсий маданиятини янада оширишга кўмак берадиган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишга бўлган эҳтиёж билан боғлиқ.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ёшларнинг жамият ҳаётида тутган ўрни, уларнинг сиёсий жараёнларда иштироки билан боғлиқ долзарб муаммоларнинг муҳим концептуал ғоялари Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов асарларида ўз ифодасини топган. Уларда, ёшлар муаммосини ўрганишни мамлакат учун қанчалик муҳим ўрин тутиши билан боғлиқ муаммолар ечимининг назарий асослари алоҳида таъкидланган.

Шунингдек, жамиятда ёшларнинг мослашуви (сиёсий ижтимоийлашуви) муаммосини ўрганилишида О.Соловьев³, С.Фролов⁴ каби олимларни кўрсатиб ўтишимиз мумкин.

Ахлоқий баркамоллик ва сиёсий етуқлик муаммоларини тарихий нуқтаи назардан ўрганишда биз И.Мўминов, М.Ҳайруллаев, М.Баратов, Й.Жумабоев, Х.Алиқулов, Н.Комилов, М.Имомназаров, У.Уратовнинг асарларига суяндик ва улардан фойдаландик.

Истиқлол туфайли қарор топган сиёсий тизим ва унинг сиёсий жараёнга таъсири, фуқароларда сиёсий маданиятни шакллантириш муаммолари М.Аҳмедов, Б.Тўйчиев, Р.Жумаев, И.Эргашев, Н.Ҳакимов, С.Жўраев, Ф.Шарипов ва бошқаларнинг асарларида ҳар томонлама ёритилган бўлиб, уларнинг тадқиқотларидан ҳам фойдаландик.

³ Соловьев О.М. Политические институты. – Спб., 2003.

⁴ Фролов С.С. Состиология. – М.: Наука, 1994.

Гарбнинг А.Алмонд, С.Вербс, Л.Пай, Э.Фромм, Ж.Патрик, Д.Кванах, В. Розенбаум, В.Бергсдорф, Г.Люббе, Ч.Фостер, Р.Розанваллон, П.Вивре каби таникли файласуф, сиёсатшунос ва состиологлари ҳам сиёсий маданият муаммоларини ҳал этиш соҳаларида тадқиқотлар олиб мазкур муаммоларни назарий ва амалий жиҳатлардан ёритишга салмоқли ҳисса қўшганлар ва ўзига хос фикр мулоҳазалар баён этганлар. Жумладан, Н.Макиавелли⁵, А.Токвил⁶, М.Вебер⁷, Э.Дюркгейм⁸, Г.Алмонд⁹, Р.Мертон¹⁰, С.Норт¹¹, С.Хантингтон¹², каби олимларнинг илмий асарларида ва изланишларида давлат ва жамият муносабатини билан боғлиқ ижтимоий ва сиёсий институтларнинг назарий тамойилларини ривожлантиришга катта эътибор беришган.

Ёшларда сиёсий маданиятни шакллантириш муаммоларини аниқлаш ва ҳал этишга доир масалаларда Э.Комаров, Ю.Ожегов, Ф.Шереги, Э.Блажнов, Н.Блинов, Э.Уварова, Е.Баталов каби МДХ олимлари ҳам муайян аҳамиятга эга бўлган илмий тадқиқотлар олиб борганлар. Бироқ бу тадқиқотларнинг аксарияти мустабит шўролар ҳукмронлиги даврида амалга оширилган бўлиб, асарларнинг муаллифлари ҳукмрон мафкура таъсирида бўлганлигини таъкидлаш жоиз.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси “Ижтимоий фикр” жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан олиб борилаётган состиологик тадқиқот ишлари, хусусан ёшларнинг муаммолари, қизиқишлари, интилишларини ифодаладиган сўров натижалари бугунги ёшларнинг сиёсий маданияти, сиёсий жараёнларда иштироки ҳамда

⁵ Макиавелли Н. Государь. – М.: Планета, 1990.

⁶ Токвил Алексис де. Демократия в Америке: Пер. с франст./ Предисл. Гарольда Дж. Ласки. — М.: Прогресс, 1992

⁷ Weber M. Essays on sociology. N. Y., 1964.

⁸ Дюркгейм Э. О разделении общественного труда. Одесса, 1900.

⁹ Алмонд Г., Пауэлл Дж., Стром К., Дальтон Р. Сравнительная политология сегодня: Мировой обзор: Учебное пособие. -М.: Аспект Пресс, 2002.

¹⁰ Мертон Р. Явные и латентные функции // Американская социологическая мысль: Тексты. -М., 1994.

¹¹ Норт Д. Институты, институциональные изменения и функционирование экономики. М., Фонд экономической книги «Начала», 1997.

¹² Хантингтон С. Политический порядок в меняющихся обществах. -М.: Прогресс-Традиция, 2004.

кадриятларини аниқлашда тегишли илмий асосланган хулоса чиқаришда муҳим аҳамиятга эга.

Ёшларнинг сиёсий маданиятини шакллантириш ва сиёсий жараёнларда иштироки билан боғлиқ муаммони ўрганиш борасида дастлабки илмий-тадқиқот ишлари амалга оширилмоқда. Мавжуд тадқиқотларни ўрганиш натижалари шуни кўрсатадики, республикада ёшлар муаммосини ўрганишга умумий тарзда ёндашиб келинган.

Уларнинг таркибига таҳлилий-функционал ёки ҳудудий нуқтаи назардан ёндашилиб, мустақил тадқиқот ишлари етарли даражада олиб борилмаган. Лекин, республикада ёшлар муаммосини ўрганиш Латипова Н.М., Э.Бобомуродов, С.Жўраев, И.Эргашев, Л.Тангриев, Т.Маликов, З.Қодирова, Б.Жўраев, М.Давлетова, Н.Н.Ҳасанов, Фарфиева К.А., Жиянмуратова Г.Ш., Тайжанова Н.С. тадқиқотларида ўз аксини топган.¹³

Бундан ташқари, ёшлар муаммосини ўрганишда республика “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан анчагина хайрли ишлар амалга оширилмоқда, илмий-амалий конференциялар ўтказилмоқда.

Ёшлар тўғрисида Республика ОАВларида ҳам туркум мақолалар чоп этилмоқда, телевидение ва радиода кўрсатув ва эшиттиришлар мунтазам эфирга узатилмоқда.

¹³ Латипова Н.М. Роль молодых специалистов в трансформации социальной структуры узбекистанского общества: автореф. дис. ... канд. социолог. наук. – Ташкент, 2009. – 29 с.; Латипова Н.М., Умурзакова Р.А. Ўзбекистон ёшларига жамиятдаги ижтимоий ўзгаришларнинг таъсири // Иқтисод ва таълим. – Тошкент, 2006. – №3. – 24-28 б.; С.Жўраев. “Ўзбекистон давлатининг ёшларга доир сиёсати: назария ва амалиёт”. Сиёс.ф.док. илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация автореферати. Т.:1994; Эргашев. И. Мустақил Ўзбекистон Республикасининг кишлокка доир сиёсати: назария ва амалиёт. Сиёсий фанлар доктори илмий даражасини олиш учун тайёрланган дисс. авт. - Т.: 1995. Л.Тангриев. “Ёшлар сиёсат субъекти: бандлик муаммоси”. Сиёс.ф.н. илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация автореферати. Т.: 2000; Э.Бобомуродов. Духовные обновление общества и изменение общественной психологии молодежи Узбекистана (социально-философский анализ) Авт.дисс.на соис.уч.степ.док.ф.н.; Маликов Т.Т. Диалектика формирования активной жизненной позиции молодежи. Авт.дисс.на соис.уч.степ.к.филос.н. Т.:1993; Кодирова З.Р. Проблемы повышения социальной активности молодежи Узбекистана в условиях всестороннего реформирования общества. Авт.на соиск.уч.степ.д.филос.н. Т.: 2000; Б.Х.Жўраев “Ўзбекистонда жамиятни демократиялашув жараёнида ёшлар сиёсий фаоллиги муаммоси”. Сиёс.ф.н. илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация автореферати. Т.: 2004; М.Ш.Давлетова. Ўзбекистон давлатининг олий таълим соҳасидаги сиёсати ва унинг ривожланиши. Сиёс.ф.н. илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация автореферати. Т.: 2007; Н.Н.Ҳасанов. Истиқлол даврида ёшлар ҳуқуқий маданиятини шакллантириш жараёнининг социологик таҳлили/ Сост.ф.н. илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация автореферати. – Т.: 2007; Жиянмуратова Г.Ш. “Ўзбекистон ёшларининг сиёсий фаоллигини оширишда электорал маданият омили”.“Ўзбекистоннинг мустақил тараққиёт йўли ва ижтимоий-фалсафий тафаккур янгиланиши”. Ёш олимлар илмий конференцияси материаллари. I қисм. – Тошкент, 2011. – Б. 250-253; Тайжанова Н.С.Ёшлар ижтимоий фаоллигини оширишда миллий менталитетимизнинг таъсири. // “Шахс ва жамият” фанини ўқитишнинг долзарб масалалари мавзусидаги Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. Тошкент 2011 йил. ЎЗМУ. 0,2 б.т.216-218 бетлар.

Юқоридагини умумлаштирган ҳолда шуни айтиш мумкинки, муаммони ўрганилганлик даражасида ўзига хос умумийлик, яъни умумий ёндашув сақланаётганлиги билан характерланади. Амалга оширилган тадқиқот ишлари ёшларнинг сиёсий маданиятини шакллантириш ва уни аниқ баҳолаш, қиёсий таққослаш ҳамда амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш учун етарли эмас. Бундан ташқари, ҳаёт тез ўзгариб бормоқда, ёшлар ҳам ҳозирги демократиялашув ва глобаллашув жараёнлари таъсиридан четда қолаётгани йўқ. Сиёсий ҳаётдаги ўзгаришлар ёшларнинг сиёсий мақсадлари, интилишларига ҳамда уларнинг демократик сиёсий жараёнларда кўпроқ фаол иштирок этишини тақозо этмоқда. Бундай шароитда ёшлар ҳаётида содир бўлаётган умумий йўналиш ва ўзига хос хусусиятларни ўрганишга қаратилган илмий тадқиқот ишларига бўлган эҳтиёж ортади.

Бугунги кунда демократия ниқоби билан амалга оширилаётган айрим кучларнинг ўз фаолиятларини ёшларга қаратгани ҳам ижтимоий-сиёсий фанлар соҳасида уни ўрганишни янада чуқурлаштиришини тақозо этмоқда.

Тадқиқотнинг мақсади. Ўзбекистондаги сиёсий жараёнларда ёшларнинг иштирокини, унинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ёшлар сиёсий маданиятини шакллантириш ҳолатлари, ўзгаришлари, ривожланиш тенденстиясини ҳамда ушбу жараёнда оммавий ахборот воситаларининг ўрнини мамлакатда демократик, фуқаролик жамияти қурилиши билан боғлиқ ҳолда ўрганишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифаси. Тадқиқотда қуйидаги вазифаларни ҳал этиш назарда тутилади:

- “ёшлар”, “сиёсий маданият” тушунчалари қиёсий тавсифланади ва таҳлил этиш;
- ёшларнинг сиёсий жараёнларда иштироки, унинг демократиялаштириш билан боғлиқ жиҳатлари ўрганиш;
- ёшларнинг сиёсий маданиятини шакллантириш омиллари, йўллари ва хусусиятларини “сиёсий онг ва маданият” тушунчаси орқали таҳлил этиш;

- ёшларининг таркиби, уларнинг сиёсий ҳаётни идрок этиш ва сиёсий жараёнларга кириб келиш шарт-шароит ҳамда омилларини ўрганиш;
- ёшларининг “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати, маҳаллий давлат ҳокимияти ва ўзини ўзи бошқариш органлари орқали сиёсий маданиятини шакллантириш ва сиёсий жараёнларга иштирокининг ўзига хос хусусиятларини кўрсатиш;
- ёшларнинг сиёсий маданиятини шакллантиришда оммавий ахборот воситаларининг таъсирини таҳлил қилиш;
- муаммо бўйича амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти. Ўзбекистон Республикаси ёшлари ва уларнинг сиёсий маданияти, Ўзбекистон давлатининг ёшларга доир сиёсати, жамиятнинг сиёсий тизими, сиёсий жараёнлар, сиёсий институтлар ҳамда сиёсий субъектлари ёшлар ва улар билан боғлиқ ижтимоий ҳаракатлари ҳамда оммавий ахборот воситаларининг таъсири ташкил этади.

Тадқиқотнинг предмети. Сиёсий маданиятни шакллантиришнинг омиллари, хусусиятлари ва уларни ёшлар ҳаётидаги ўрнини белгилаш, сиёсий жараёнларда ёшларнинг иштироки, унинг ўзига хос хусусиятлари ва амал қилиш қонуниятларини ижтимоий-сиёсий фанлар нуқтаи назаридан ўрганиш асосида эришилган ютуқлар, мавжуд муаммолар, уни ечиш йўллари кўрсатишдан иборат.

Илмий ишнинг назарий ва услубий асосини Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов асарлари ҳамда ёшлар сиёсий маданияти ва оммавий ахборот воситалари муаммолари бўйича ватанимиз ва хориж олимларининг илмий ишлари ташкил этади. Шунингдек, мазкур тадқиқотнинг асосини ушбу муаммолар бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Президент Қарорлари ва Фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси Қарорлари, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда Давлат Статистика бошқармасининг маълумотлари, интернет веб-саҳифалари манзиллари, авторефератлар, диссертация ишлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг методи. Мавзунинг ёритишда таҳлил ва умумлаштириш, состиологик сўров, таркибий-функционал ёндашув усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий фарази: Малакавий битирув ишининг муаммосини назарий жиҳатдан тадқиқ этиш ва ўтказилган амалий кузатишлар натижаларидан келиб чиққан ҳолда қуйидагича илмий фаразни илгари суришимиз мумкин:

- Сиёсий маданият ҳар қандай жамият ва давлат муносабатларининг ғоявий мустаҳкамлигининг асосий индикатори ҳисобланади. Демак, айнан ёшларнинг сиёсий маданиятини шакллантириш муаммосини, унинг тадрижий ривожланиш босқичларини ўрганиш доимо муҳим аҳамиятга эга.

- Ёшларнинг сиёсий маданиятини шакллантиришда оммавий ахборот воситаларининг таъсирини ўрганиш ёшлар таркиби, уларнинг онги ва дунёқараши, сиёсий мақсад ва интилишларининг қандай йўналишга асосланиши улар сиёсий маданиятининг тезроқ шаклланишига ўз таъсирини кўрсатади.

Тадқиқотнинг апробацияси. Ушбу малакавий битирув иш юзасидан муаллифнинг мақоласи кафедранинг 2013 йил 24 майда «Ўзбекистонда оилалар ва болаларни ҳимоя қилиш соҳасида ижтимоий иш» мавзусида ўтказилган илмий-амалий анжуманда нашр этилган.

Тадқиқот ишининг таркиби. Ушбу малакавий битирув иши кириш, 2 та боб, 4 та параграф, хулоса ва таклифлар, адабиётлар рўйхати ва иловалардан таркиб топган.

I БОБ. ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ СИЁСИЙ МАДАНИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ

1.1. Сиёсий маданият тушунчаси ва унинг ёшлар ҳаётидаги ўрни

Сиёсий маданият атамасини илк бор немис файласуфи Иоган Гердер (1744-1803-йиллар) қўллаган эди. Сиёсий маданиятни илмий тадқиқотларнинг нисбатан мустақил йўналиши сифатида ўрганиш эса XX асрнинг 50-йилларига тўғри келади. Бу илмий йўналишнинг тамал тошини А.Алманд ва С. Верба қўйган эди. А.Алманд ва С.Верба ўз тадқиқотларида “ташқи кўринишдан бир хил сиёсий институтлари бўлган сиёсий тузумлар нега сифат жиҳатдан турлича амал қиладилар?”- деган саволга жавоб топишга интиланлар. Масала шундай қўйилгани вужудга келган янги тушунчани, сиёсий жараёнларни ҳар томонлама чуқур ўрганишга имкон яратди. Мазкур олимларнинг фикрича, сиёсий маданият – бу ташқи кўринишдан бир-бирига ўхшаш бўлган сиёсий тузумларнинг ўзига хослигини ифодаловчи муҳим омилдир.

Сиёсий ҳатти-ҳаракатлар ва манфаатлар намоён бўлишининг хусусиятига қараб, улар сиёсий маданиятнинг 3 турини кўрсатганлар. Муаллифларнинг таъкидлашича улардан биринчиси аниқ акс этувчи сиёсий манфаатларнинг йўқлиги, сиёсий институтларда, аввало, партияларда барқарорликнинг бўлмаслиги ва уларнинг куч ишлатиш усуллари ёрдамида фаолият кўрсатиши билан характерланади. Сиёсий маданиятнинг иккинчи тури сиёсий бефарқлик ва итоатгўйлик билан фарқланади. Сиёсий маданиятнинг юқори кўриниши эса манфаатлар ва қадриятларнинг кўп хиллиги билан, жамиятнинг ижтимоий тараққиётида муросайи-мадора маҳорати ва муносабати намоён бўлиши билан ифодаланади.

Бугунги кунда юртимизда кечаётган жамият сиёсий ҳаётини модернизациялаш жараёнлари фукароларда сиёсий маданиятни юксалтиришни тақозо этади. Чунки сиёсий жиҳатдан етук фукаро ўз

халқининг ижтимоий тараққиёти, миллий манфаати ва эҳтиёжларини чуқур ҳис этиб, ҳақиқий сиёсий эътиқод касб этиб ва сиёсий маданиятга эга шахс сифатида фаолият юритади. Шу нуқтаи назардан, фуқароларнинг юксак сиёсий маданияти ва маънавий ғазилатлари орқали жамият сиёсий тизимини такомиллаштиришга эришиш мумкин.

Фуқаролар сиёсий маданияти турли идеаллар, зарур билим ва кўникмалар, шунингдек, сиёсий ҳис туйғулар мажмуидир. Сиёсий маданият, аввало, инсоннинг манфатлари, ҳоҳиш-истаклари теварагида мужассамлашади ва унинг шахсий тажрибалари негизида мустаҳкамланади. Умумэътироф этилган сиёсий маданий қадриятлар, ҳуқ-атвор андозалари ҳамда анъаналар фуқароларни ягона сиёсий тизим атрофида бирлаштиради, бир жамиятни бошқа жамиятдан фарқлайди. Кишилар сиёсий маданият негизида ягона давлат фуқаролари эканлигини англаб етади. Шу билан бирга, сиёсий маданият жамият аъзоларида ватанпарварлик хусусиятини қарор топтирувчи куч ҳам ҳисобланади.

Фуқароларнинг сиёсий фаоллиги ва сиёсий маданияти жуда муҳим аҳамиятга эга эканигига тўхталиб, Президент И.Каримов бундай деган эди: “Ўз ўзидан равшанки, сиёсий тузум тўла-тўқис амал қилишини ва унинг янада эркинлашувини таъминлаш учун уни ташкил этувчи ҳамма тузилмалар, яни мавжуд субъектлар - шахс, сиёсий институтлар, аҳолининг ижтимоий гуруҳлари ва қатламлари ва ҳоказолар тўлақонли фаолият кўрсатишга эришиш зарур¹⁴”. Фуқаролар ўзларининг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий манфаатлари ёки имкониятларини рўёбга чиқариш учун амалий жараёнларда иштирок этар экан, ана шу фаолият даврида уларда сиёсий маданият шаклланади. Фуқаролар сиёсий маданияти сиёсий партиялар, давлат ва нодавлат ташкилотлар фаолиятида иштирок этиш орқали эгаллайди.

¹⁴ Каримов И.А “Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари”. – Т. “Ўзбекистон ” ,1997, 182-бет.

Фуқароларнинг сиёсий маданиятига оид тадқиқотларни собиқ иттифок олимлари ҳам ўз мафкурасига мос ҳолда оширган. Бироқ бу тадқиқотларда ҳолислик мавжуд бўлмаслиги боис улар сиёсий маданият ҳақида тўғри тасаввур ҳосил қилиш имконини бермаган. Ўз-ўзидан аёнки, амалиётда ҳам аҳвол назариядан айтарли фарқ қилмаган. Бу соҳада турли ижтимоий гуруҳларнинг мақсад-муддаolari эътиборга олинмаган, ҳар қандай сиёсий фаолият қаттиқ назоратда тутилган.

Шуни эътироф этиш жоизки, фуқароларнинг сиёсий маданиятига оид гоё қарашларни ўрганувчи фанлар ҳам унчалик узоқ тарихга эга эмас. Сиёсий маданият атамасини илк бор VIII асрда немис файласуфи И.Гердер қўллаган. Бироқ бу тушунчадан XIX аср охири XX асрнинг бошидагина турли илмий мактаблар кенг фойдалана бошлади. Айниқса, сиёсий маданият феномени америкалик олим Г.Алмонднинг “қиёсий тизимлар” (1956 йил) асарида чуқур таҳлил этилган. Шунингдек, сиёсий маданият назарияси тараққиётида С.Вебра, М. Крозе каби олимлар ҳам кенг ва катта ҳисса қўшган.

Маълумки, демократияни вужудга келтириш учун демократик бошқарувни такомиллаштириш лозим, деган қараш кенг ёйилган. Ваҳоланки, демократик бошқарув ривож топиши учун аввало бундай тартиботни қўллаб-қувватлашга қодир сиёсий фаол шахслар зарур. Бунда эса фуқароларнинг сиёсий маданиятини юксалтириш орқалигина эришилади.

Мамлакатимиз мисолида олсак, сиёсий маданият демократик жараёнларни такомиллаштириш, халқимизнинг қонунни ҳурмат қилиши, ахлоқий, маънавий қарашларга содиқлиги каби омилларга асосланади. Сиёсий маданият, моҳиятан, қадриятларга оид меъёрий тизим. У ўзида сиёсий тизимдаги таянч эътиқодлар, кўрсатмалар, йўналишлар, интилишлар, тимсолларни намоён этади ва жамлайди. Шу жиҳатдан, фуқароларнинг сиёсий маданияти аввало аجدодлардан мерос тарихий қадриятларга асосланган ҳолда шаклланади. Глобаллашув жараёнида бутун башарият эътироф этаётган демократик қадриятлар ушбу жамият тараққиётига ижобий таъсир этиш кучига эга бўлса, ҳеч қандай тўсиқларсиз қабул қилинади.

Сиёсий маданиятнинг аксарият тадқиқотчилари бу категория таркибига, биринчидан, ижтимоий ҳодиса ўлароқ сиёсат ҳақидаги билимларни, иккинчидан, сиёсий ҳодисаларни баҳолашни, учинчидан, сиёсий позицияларнинг эмоционал жиҳатларини, тўртинчидан, жамиятда тан олинган сиёсий фаолият кўринишларини киритганлар. Масалан, профессор Б.Т.Тўйчиев сиёсий маданиятга қўйидагича таъриф берган: “сиёсий маданият - муносабатлар тизими бўлиб, айти вақтда бир-бирининг ўрнига келувчи авлодлар қаторида муносабатлар тизимини ташкил қилувчи элементларни вужудга келтириш ва қайта вужудга келтириш жараёндир¹⁵.” Бу тарифдан сўнг диссертация муаллифи “сиёсий маданият ўз мазмуни ва шакллари тарих томонидан мутассил бойтиб турадиган динамик, ривожланиб турадиган ҳодисадир; у тевақал атрофдаги реал ҳодисаларга, улар ҳоҳ саноат революцияси бўлсин, ҳоҳ илмий техник, компьютер, информацион ва бошқа революциялар бўлсин барибир, уларга ҳушёрлик билан жавоб реакцияси берадиган ҳодисадир” деган тавсифни ҳам қўшган.

Мазкур таъриф ва тавсиф муаллифи “сиёсий маданият сиёсатнинг айнан ўзи ёки сиёсий жараён эмаслигини, балки, муайян миллий ва ижтимоий сиёсий умумийликнинг, сиёсатнинг, сиёсийликнинг мезони, унинг амал қилиш қонунлари ва қоидалари тўғрисидаги тасаввурларнинг мажмуасидан иборат” эканлигини ҳам ўқтирган.

Профессор Н.Ҳақимов¹⁶ эса сиёсий маданият категориясига қўйидаги таърифни берган: “Сиёсий маданият- ижтимоий муносабатлар тақозо этадиган сифат муайянлиги бўлиб, у синф, ижтимоий гуруҳ, ташкилот ва шахсларнинг ижтимоий онги ва сиёсий фаолиятидир; бу муайянлик уларнинг онглилигининг даражасини, шунингдек, одамларнинг жамиятни бошқаришда иштирок этишини хусусияти ва усуллари ифодалайди”. Бу таъриф ҳам кенг қамровли бўлсада, унда сиёсий муносабатлар ижтимоий муносабатлар

¹⁵ Тўйчиев Б.Т. Методологический анализ формирования и развития политической культуры и демократизация современного общества : автореферат диссертации ... доктора философских наук : 09.00.01 ТашГУ, Ташкент, 1991. –37 с.

¹⁶ Ҳақимов Н.Х. Ижтимоий экология. – Тошкент, 2007.

билан алмаштириб юборилган; ваҳоланки, уларнинг биринчиси иккинчисига нисбатан ўзгача, яъни жамиятга бевосита хосдир, сиёсай эса синф, ижтимоий гуруҳ, фукаро, ташкилотларнинг фаолияти орқали намоён бўладиган муносабатдир.

“Шахс сиёсий маданиятини шакллантиришнинг ҳозирги босқичдаги хусусиятлари” номли номзодлик диссертациясининг муаллифи Ражабова М. эса ”сиёсий маданият” категориясига қуйидаги тарифни берган¹⁷: “сиёсий маданият категорияси деганда маданият ва сиёсатнинг диалектик жуфт бирлигини тушунмоқ керакки, у ижтимоий-сиёсий йўналиш ва қадриятларнинг мазмуни, сифати ва даражасини акс эттиради, булар инсон фаолиятининг тубдан ўзгартирувчилик куч-қуввати туфайли амалга ошади, булар ижтимоий-сиёсий ва миллатлараро муносабатларни тартибга солади, ҳуқуқий, демократик жамият қуриш жараёнида қатнашадиган шахснинг ҳатти-ҳаракатларида ва ҳулқ-одобиди ўзини намоён этадиган эътиқодлар, нормаларда гавдаланади”. Ҳаддан зиёд узун, бинобарин эслаб қолиш қийин бўлган бу таърифда сиёсий маданиятнинг қарийб барча предметларини қамраб олган, бироқ бу категория мазмуни доирасидан чиқадиган жиҳатлар ҳам бор.

Сиёсий маданиятга берилган ва юқорида келтирилган таърифларни ўрганиб, уларни таҳлил қилиб, рационал мағзини қабул қилиб, биз аввало сиёсий маданиятнинг асоси, негизи бўлган “сиёсий” категориясига, сўнгра сиёсий маданиятга қуйидаги таърифни бердик. Сиёсат деб, давлат, сиёсий партиялар фаолиятида қатнашишни, булар фаолияти мазмуни, шакллари, функциялари, мақсад ва дастурларни белгилаш, амалга ошириш, сиёсий муҳолифлардан ҳимоя қилишга айтилади.

Сиёсий маданият - давлат ва жамият тузумининг мазмуни, моҳияти, таркиби ва функциялари; ижтимоий кучлар, ҳокимият ва халқнинг ўзаро муносабати; шахс, давлат ва жамият, мамлакатлар ва халқлар ўртасидаги

¹⁷ Ражабова М. Шахс сиёсий маданиятини шакллантиришнинг ҳозирги босқичдаги хусусиятлари” мавзусидаги номзодлик диссертацияси, 2003.

алоқалар ҳақидаги билимлар тизими; бу билимларга эмоционал ва рационал муносабат; ҳамда мутаносиб келувчи амалий муносабатлар ва фаолиятга хос бўлган малакалар, усуллар ва тамойиллар мажмуасидир. (3-илова)

Шу билан бирга, сиёсий маданиятни шахснинг ўзига хос сиёсий фикрлаши, эҳтиёж ва манфатлари, тажриба ва имкониятлари даражаси, жамиятнинг ижтимоий тузуми, моҳияти билан белгиланган, ўзига хос ижтимоий сиёсий фаолият тарзи асосида шарҳлаш муҳим аҳамият касб этади. Сиёсий маданиятнинг шаклланишида эҳтиёж, манфат ҳамда кадриятларга мойиллик алоҳида ўрин тутати. Уларнинг ривож ва қай даражада қондирилиши сиёсий маданиятнинг даражасини белгилаб беради. Шахс фаолияти ва шахсий эҳтиёжларнинг мутаносиблиги эса сиёсий маданиятнинг амал қилишини таъминлайдиган механизмни юзага келтиради. Шахсий эҳтиёжнинг қондирилиши жараёнида инсоннинг ижтимоий манфаатларга мойиллиги вужудга келади. Чунки ижтимоий ва шахсий манфаатларнинг уйғунлиги шахсий эҳтиёжининг қондирилишига имкон яратади ва айни вақтда инсон ижтимоий манфаатларига ҳам хизмат қилиб боради. Ижтимоий манфаатларни англашнинг зарур воситаси эса сиёсий баркамоллик, ижтимоий етуклик даражаси ҳисобланади. Шу боис ҳам, шахснинг сиёсий маданиятининг муҳим белгиси - унинг ижтимоий сиёсий манфаат ва эҳтиёжларга муносабати даражасидир. Сиёсий маданиятнинг ўзига хос ва уни юксалтиришнинг муҳим омили сиёсий онг ҳисобланади. Сиёсий онг деб, жамиятнинг объектив тарзда мавжуд бўлган ижтимоий-сиёсий тузилишини ва унга хос бўлган сиёсий фаолиятнинг турларини, уларга мувофиқ келадиган сиёсий муаммоларни, ташкилот ва муассасаларни киши онгида, идрокида инъикос эттиришдан иборат бўлган онгга айтилади.

Сиёсий маданият шаклланишида сиёсий фаолият ҳам муҳим ўрин тутати ва айни вақтда у сиёсий фаолият орқали амалий аҳамият касб этади. Сиёсий фаолият деб, муайян жамият, давлат, партиянинг объектив тарзда мавжуд бўлган сиёсий тизимини, тартибларини сақлаш, қонунларини ижро этиш ба ҳимоя қилиш, мустаҳкамлаш, такомиллаштириш ёки бошқа сиёсий

тузумни ўрнатишга қаратилган хатти-ҳаракатга айтилади. Бу ўринда шахснинг сиёсий маданияти меъёрий хусусиятга эга эканлигини ҳам таъкидлаш жоиз. Шу жиҳатдан шахснинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, эрки, фаолият имкониятлари ва мезонларини мужассамлаштираган сиёсий меъёрлар алоҳида ўрин тутди. Сиёсий меъёрлар ижтимоий меъёрлар сирасига кирган ҳолатда шахснинг ижтимоий, сиёсий фаолиятининг йўналишини белгилаб беради. Улар миллий ва умуминсоний мазмун касб этиб, давлатнинг фуқаро олдидagi ва фуқаронинг давлат олдидagi маъсуллигини тўлиқ акс эттирган ҳолатдагина ижтимоий хусусиятга эга бўлади. Маълумки, сиёсий маданиятнинг бу шартлари мустақил давлатимизнинг конституциясида бекаму кўст ўз аксини топган.

Сиёсатшуносликда сиёсий маданият, сиёсий онг категориялари билан бирга “сиёсий тафаккур ” категорияси ҳам кўп ишлатилади. Маълумки, тафаккур фалсафий категория бўлиб, инсон онгининг энг юксак, олий маҳсули бўлиб, объектив борлиқни тушунча, категория, ҳукм, назария ва хулосаларда инъикос этишининг фаол таъсиридир. Сиёсий тафаккур эса ана шу жараёнларнинг, сиёсат, сиёсий онг билан йўғрилган, бойитилган, чуқур сингдирилган маҳсулидир; сиёсий тафаккур сиёсатда кенг фикр қилиб, пухта ўйлаб, мантикий асос устида атрофлича ҳукм юритиб, ақлий хулоса чиқариш учун имкон яратади. Сиёсий маданиятнинг шаклланишида миллий руҳият, миллий тарихий онг, миллий тафаккур ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Бу омиллар унга миллий мазмун бағишлайди.

Масалан, бу жиҳати Президент И.Каримов ишлаб чиққан бозор иқтисодига ўтишнинг Ўзбекистонга хос тамойилларида ўз аксини топганлигини таъкидлашимиз жоиз. Умуман, сиёсий маданиятнинг моҳиятини билиш воситасида инсоннинг кўп қиррали ижтимоий- сиёсий фаолияти тўғрисида тўлақонли тасаввурга эга бўлиш имконияти яратилади. Шунинг асосида, табиийки, ёшларнинг кундалик фаолиятини жамият ривожини йўлидаги фаол, онгли, буюк мақсадга йўналтирилган ҳаёт тарзига айлантириш имкони туғилади.

Сиёсий маданият бошқа ижтимоий ҳолатлар билан ўзаро алоқадорликка эга бўлган бой ва мураккаб мазмунли ижтимоий жараёндир. Булар орасида ҳуққ-одоб маданияти муҳим ўрин тутadi. Шу боис, мустақиллик шароитида ҳуққ-одоб маданияти ва сиёсий маданиятни мутаносиб шакллантириш муаммолари муҳим аҳмият касб этади. Ҳуққ-одоб маданияти тамойиллари инсоний комилликнинг ўзига хос кўрсаткичи сифатида сиёсий маданиятда ҳам ўз аксини топади. Ахлоқий қадриятлар ва меъёрларнинг қай даражада ўзлаштирилганлиги сиёсий маданият учун ҳам муҳим мезон ҳисобланиб, инсон ўз ижтимоий-сиёсий фаолиятида уларга риоя қилиши эвазига сиёсий маданият тўлақонли хусусият касб этади. Шахснинг жамиятда кечаётган сиёсий жараёнлардаги иштироки ва амалга оширилаётган ислохотлардан манфаатдорлиги унинг маънавий, жумладан, ахлоқий эҳтиёжларини қондиришга қаратилган интилишидан ҳам келиб чиқади. Юксак инсоний ҳислатларни шакллантиришга қаратилган тузумни барпо қилиш шахсдан сиёсий онглилик ва етукликни тақозо этади, ўз навбатида бу жиҳатларни камол топтириш жамият ахлоқий тамойилларининг ўзига хослиги билан белгиланади. Мустақиллик шароитида сиёсий фаолликнинг юксак намунаси, унда шахсий ва ижтимоий манфаатлар уйғунлиги ифодаланиши билан ифодаланади. Жамият ахлоқий қадриятларини чуқур англамаган шахс ўз сиёсий фаолиятида ахлоқий меъёрлар ва тамойилларга тўлиқ риоя эта олмайди. Бундай сиёсий фаолият аксарият ҳолларда жамият аъзоларига ахлоқий жиҳатдан салбий таъсир этиши, миллий ва умуминсоний қадриятлар таъсирини сусайтириши, жамиятда зиддиятларда сабаб бўлиши мумкин. Шу боис, ҳуққ-одоб маданияти ва сиёсий маданият шаклланишига хос жиҳатларни ўрганиш, уларнинг ривожига мутаносибликларни бартараф этиш, узвий боғлиқ ҳолда шаклланиши учун зарур бўлган барча шарт-шароитларни яратиш вазифаларини мустақиллик эҳтиёжларининг ифодаси сифатида майдонга чиқади ва баркамол ёшларни тарбиялашдаги муҳим вазифалардан бири саналади.

Сиёсий маданият бу - жамиятда яшаётган фуқароларнинг давлат ҳокимияти ва сиёсатига бўлган муносабатидир. Бу муносабат фуқароларнинг сиёсий ҳаётдаги фаоллиги билан изоҳланади. Бунинг учун эса шу юртнинг ҳар бир фуқароси давлат қонунлари, ҳукумат қарорлари, президент фармонларидан ўз вақтида бохабар бўлиб туриши даркор. Фуқароларда сиёсий ва ҳуқуқий онг қанчалик юқори бўлса, сиёсий маданият ҳам шу даражада юксала боради. Ҳар қандай фуқаро қайси жабҳада бўлмасин, ўз сиёсий, иқтисодий ва бошқа ҳуқуқларини, шу билан бирга бурчларини тўлатқис англай олиши даркор.

Сиёсий маданият шундайин ҳодисаки, у халқнинг сиёсий онги билан бирга ўсиб боради. Сиёсий онгнинг ўзи нима? Сиёсий онг бу халқнинг давлат олиб бораётган сиёсий жараёнларга муносабати ифодасидир. Мисол сифатида муҳим сиёсий жараёнлардан бири бўлмиш сайлов жараёнини келтиришимиз мумкин. Оддий фуқаро хоҳ у ишчи бўлсин, хоҳ у зиёли бўлсин, мазкур жараёнга бефарқ бўлмаслиги даркор. Чунки у ўзининг эртасини кимнинг қўлига топшираётганидан хабардор бўлиши керак.

Адабиётларда сиёсий маданият тушунчаси ҳақида турли-туман таърифлар мавжуд бўлиб, унинг мазмуни методологик жиҳатдан турлича тарзда изоҳланади. Сиёсий маданият тушунчаси кўп ҳолларда кенг маънода талқин қилинади: бир ўринда унинг таркибига шундай унсурлар киритиладики, оқибат-натижада унда бевосита алоқадор бўлмаган ҳодисалар ўрин олади. Масалан, шахснинг меҳнат активлиги. Бошқа бир ҳолатда эса сиёсий маданият сиёсатшунослик категориялари ва сиёсий воқеликлардан ташқарида олиб қаралади. Сиёсий маданиятга маънавий маданиятнинг бир тури сифатида ёндошишлари ҳам борки, бунда маънавий маданият ижтимоий онг даражаси билан тенглаштириб қўйилади., унинг фаолиятга дахлдор томони тан олинмайди ёки етарлича баҳоланмайди. Умуман ҳозирги сиёсий адабиётларда сиёсий маданият тушунчасига 30 дан ортиқ таъриф берилади. Англанадики, сиёсий маданият муаммоси ғоят даражада мураккаб ва кўп қирралидир.

Маълумки, ҳар қандай маданият ижтимоий онг, мавжуд ҳуққ-атвор таркибий қисмларининг органик бирликларидан иборатдир. Шу маънода сиёсий маданият ўзида бутун сиёсий ҳаётнинг юқори сифатий характеристикасини ифода этади. Сиёсий маданият тушунчаси қуйидаги ҳолатлар билан бевосита боғлиқ:

биринчидан, инсоний муносабатларнинг такомиллашиб бориши жараёнинг ҳамма босқичлари - айрим кишиларнинг ўзаро муносабатларидан то миллатлараро алоқаларгача бўлган жараёнлар билан;

иккинчидан: қарашлар, фикрлар ва қадриятлар тизимининг тарихан вужудга келиши ва белгиланиши ҳолатини ўзига хос тарзда сақлаб қолиш билан;

учинчидан, кишиларнинг ижтимоий яшаш меъёри, қадриятларни эркин ҳис этишлари, уларнинг ички ҳис-туйғуси асосида хоҳиш - иродалари сари йўналтирилган сиёсий фаоллиги билан;

тўртинчидан: сиёсий ахборотлар тарқатишнинг мукамал олиб борилиши ва уларнинг

мазмунини кенг омма манфаатларига мос келиши ва тушунарли бўлиши билан боғлиқдир.

Сиёсий маданият - бу кенг маънода фуқароларнинг сиёсий билимлари, мўлжал баҳолари, хатти-ҳаракатларининг даражаси ва табиатини англаиб, сиёсий муносабатларни йўналтириб туриш жараёнларининг ижтимоий қадриятлари мазмуни ва сифати, аноаналари ва қонун қоидаларини ўз ичига олади. Тор маонода эса сиёсий маданият сиёсий муносабатлар мазмуни ва сифати даражасини белгилаб берадиган ўзаро мулоқот тарзини англатади.

Маданият эса ўз таркибида бир неча авлодлар сиёсий ҳаёти, тажрибасини, асрлар ва минг йиллар мобайнида давлат ҳокимиятини ташкил этиш ва амал ошириш тажрибасини мужассамлаштиради. Ҳар қандай жамиятда инсон муайян маданиятга, хусусан сиёсий маданиятга эга бўлади, бу эса ҳар доим унинг фикрлари, қарашлари, ҳиссиётлари, сиёсий ҳукм чиқаришларида намоён бўлади. Сиёсий маданият умумий маданиятнинг

муҳим кўриниши бўлиб, у ҳар бир фуқаронинг ички ва ташқи сиёсатни идрок эта билишида, таҳлил қила олиш қобилиятида, ўз хатти-ҳаракатини мустақил белгилаши ва амалга оширишида намоён бўлади. Умуман олганда, сиёсий маданият инсоннинг сиёсий ҳодисалар ҳақидаги тасаввурлари, хулқи ёки сиёсий ҳокимият субъекти сифатидаги фаолиятининг кўриниши бўлиб, у шахснинг сиёсий фаолият кўникмаларини қай даражада эгаллаганини кўрсатади. Ҳар бир инсон сиёсий жиҳатдан фаол фуқарога айланиш жараёнида ижтимоий-маданий тизимнинг асосий хусусиятларини ўзида уйғунлаштириб боради. Сиёсий маданиятнинг мавжудлик усуллари ҳамда маънавий маданият нималарда ифодаланиши 4-иловада кўрсатилган.

Умумэътироф этилган сиёсий-маданий кадриятлар, хулқ-атвор андозалари ҳамда анъаналар фуқароларни ягона сиёсий тизим атрофида бирлаштиради, бир жамиятни бошқа жамиятдан фарқлайди. Кишилар сиёсий маданият негизида ягона давлат фуқаролари эканини англаб етади. Шу билан бирга, сиёсий маданият жамият аъзоларида ватанпарварлик туйғусини қарор топтирувчи куч экани билан ҳам аҳамиятлидир.

Таъкидлаш жоизки, сиёсий маданият мунтазам ривожланиб боровчи динамик ҳодиса ҳисобланади. Жамиятда кечаётган турли сиёсий жараёнлар билан бир қаторда фуқаронинг сиёсий фаоллиги ҳамда сиёсий маданияти ҳам юксалиб боради. Шу ўринда таъкидлаш ўринлики, 2009 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ҳамда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига бўлиб ўтган сайлов бунга ёрқин мисолдир. Ушбу сиёсий жараёнда сайловчилар рўйхатига киритилган 17 миллиондан ортиқ фуқаронинг сайлаш ва сайланиш ҳуқуқларидан тўла фойдаланиши, конституциявий бурчларини адо этиши учун барча шарт-шароитлар яратилди. Сайловнинг мамлакат ва халқ ҳаётидаги аҳамияти тарғибот-ташвиқот ишлари орқали аҳолига кенг етказилди.

Натижада, фуқаролар мазкур муҳим сиёсий тадбирда фаол қатнашиб, ўз фуқаролик бурчини фаоллик билан адо этганига гувоҳ бўлдик. Юқорида мулоҳазаларимиздан шундай хулосага келиш мумкинки, муайян тарихий

босқични босиб ўтмасдан, ҳали иқтисодий, сиёсий, маънавий шарт-шароитлар етилмаган бир даврда мавжуд имкониятдан ташқарига чиқиб юқори даражадаги жамиятни қуриб бўлмайди, буни собиқ советлар мамлакати, шу жумладан, Совет Ўзбекистони Республикаси ҳам ўз бошидан кечирди. Сиёсий муносабатларнинг бундай салбий тажрибаларидан тегишли хулоса чиқариш мустақил Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг демократик жараёнларга кириб бориши ва сиёсий маданиятнинг муҳим таркибий қисмларини қарор топтиришда муҳим роль ўйнайди.

Шундай қилиб, сиёсий маданият - бу мураккаб ижтимоий ҳодиса бўлиб, уни ҳар томонлама ўрганиш ва жамият тараққиёти нуқтаи назаридан унинг ҳар бир аъзоси онгида қарор топтириш ва ривожлантириш энг долзарб масаладир. Президентимиз И.А.Каримов томонидан ишлаб чиқилган демократик, ҳуқуқий, фуқаровий жамият қуришнинг асосий тамойиллари тўғрисидаги концепция сиёсий маданиятимиз мазмунини ташкил этади. «Бу қоидалар ўз истиқлол, ривожланиш ва тараққиёт йўлимизга асос қилиб олиб бўлиб, ўтмиш даврининг дастурини ташкил этади» ва шубҳасиз, бозор иқтисодиёти қарор топиши шароитида шаклланадиган сиёсий маданиятнинг умумий руҳини белгилаб беради.

Ўсиб келаётган авлодни сиёсий онги ва маданиятини шакллантириш ва ривожлантириш демократик давлат қуриш назариясини эълон қилган Ўзбекистон учун муҳим жиҳат ҳисобланади. Чунки, айнан ёшлар сиёсий маданиятнинг анъанавийлик ва замонавийлик деб аталмиш босқичи ўртасидаги кўприк вазифасини бажарувчи энг ҳаракатчан қатлам ҳисобланади¹⁸.

¹⁸ Латипова Н.М. Молодежь в социальной структуре узбекистанского общества // Общественное мнение. Права человека, 2004.-№3.-С.138-146.

1.2. Ёшлар сиёсий маданияти ҳамда ёшларда сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий маданиятнинг узвий алоқадорлиги

Маданият инсон малакалари, билимлари, ғоялари ва ҳиссиётларини, шунингдек турли ижтимоий ҳодисаларда унинг мустаҳкамланиши ва моддий ҳодисага айланишининг йиғиндиси сифатида сиёсий, ҳуқуқий жабҳада ўз аксини топади. Модомики, сиёсий ва ҳуқуқий маданиятнинг фундаментал тамойили ғоялари турмушга тадбиқ этилар экан, бунинг асос замирида, охироси оқибат маданият ётади. Ягона маданият тизимининг таркиби ҳисобланган ҳуқуқий, сиёсий, ахлоқий маданият ҳар доим узвий алоқада бўлади. Жамиятнинг ўзига хос маълум маданият даражаси бўлиб, унинг ҳар бир аъзосида шу маданиятнинг белгилари мавжуд бўллади. Аммо биз ҳозирда жамиятимиз аъзоларида, шунингдек ёшларда сиёсий, ҳуқуқий маданият белгилари тўла шаклланган деб айта олмаймиз. Бир-бирига кўмаклашувчи, бир-бирини таъминловчи, бир-бирини тўлдирувчи сиёсий ва ҳуқуқий маданият яхлит ҳолда тадқиқ этилар экан, у шакл ва мазмун, сабаб ва оқибат, имконият ва ҳақиқат сифатида майдонга чиқади. Маълумки ҳуқуқ ҳам сиёсат ҳам ўзида ягона ижтимоий мазмунни мужассам этади. Сиёсий вакуум бўлган жойда ҳуқуқий фаолият кўрсатиш мумкин эмас. Сиёсий маданият ва ҳуқуқий маданият давлат, демократия, озодлик ва масъулият тўғрисидаги энг ибтидоий тушунчаларга бориб тақалади. Бу ғоялар ҳамиша долзарб бўлиб, ижтимоий ўзгаришлар даврида улар фақат аксиологик аҳамиятгагина эмас, балки амалий аҳамиятга ҳам эгадир. Сиёсий ва ҳуқуқий қарашлар, назариялар бир-биридан ажралмас бўлиб улар ҳамиша ёнма-ён борадилар. Одамнинг феъл атвори бошқарувчилари бўлган сиёсий ва ҳуқуқий қарашлар қонунларда, декларатсияларда, концептсияларда, назарияларда ўз ифодасини топади.

Сиёсий ва ҳуқуқий маданият ўзаро алоқадорликда бир-бирини бойитиб келади. Сиёсий маданиятнинг норма ва принтсиплари ҳуқуқнинг ривожланишига таъсир кўрсатади, чунки улар ижтимоий ҳаётимизда алоҳида

ўрин тутади. Юқоридаги бобларда ҳуқуқий маданиятнинг моҳияти ёритиб берилди, аммо сиёсий маданият деганда нимани тушунамиз? Сиёсий маданият умумий маданиятнинг таркибий қисми бўлиб, у инсондаги сиёсий билимлар, баҳолашлар, малакалар ҳамда ҳаракатлар даражаси, характери ва мазмунини ташкил этади. Ҳуқуқий маданият умуминсоний маданиятнинг ажралмас қисми бўлса, сиёсий маданият унинг ўзагидир. Маълумки инсон ўз онгида акс этаётган нарсаларни ҳодисаларни қайта фикрлаб тафаккур қилиб, акс этаётган нарсаларни қамраб олишга қодир бўлсагина, ҳар қандай маданият объектив ҳаракат қилади.

Ҳар бир ёш авлод жамиятнинг сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий маданиятини эгаллаганда, ўзидан аввалги авлодларнинг ижтимоий-сиёсий тажрибаларига ёндашади ва уларни ўз онгидан ўтказди, яхшиларини олиб, фаолиятида тадбиқ қилади, бу билан ўзининг маданиятини юксалтиради.

Ёшларда ҳуқуқий, сиёсий ахлоқий маданиятни қарор топтиришда аввало уларнинг дунёқарашларида, тафаккурида умуминсоний қадриятлар, миллий қадриятлар билан уйғунликда миллий истиқлол мафкураси ҳам сингиши лозим. Ана шу дунёқараш шакллангандан сўнг уни ҳимоя қилишга қодир ҳуқуқий, сиёсий, ахлоқий маданият шаклланишига шарт-шароитлар яратиш зарурияти туғилади. Чунки ҳуқуқий, сиёсий маданият ва ҳуқуқий ҳимоянинг мавжудлиги жамият демократлашувининг асосий кафолатларидан биридир.

Дарҳақиқат, жамиятда аҳолининг ҳуқуқий, сиёсий фаоллиги давлат ва жамият курилишини эркинлаштиради. Бу ҳақида Президент Ислам Каримов иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясида «Ўз ҳақ-ҳуқуқларини танийдиган, ўз кучи ва қобилиятига таяниб яшайдиган, атрофида рўй бераётган воқеа ва ҳодисаларга мустақил муносабатда бўладиган, шу билан бирга ўз шахсий манфаатларини мамлакат ва халқ манфаатлари билан уйғун ҳолда кўрадиган эркин шахсни

шакллантириш учун барча зарур шароитларни яратиш даркор»- деб таъкидлайди¹⁹.

Ёшларда сиёсий, ҳукукий маданият қандай пайдо бўлади? Кўп ўқиган, назарий билимларни эгаллаган билан ёшларда ҳукукий, сиёсий маданият пайдо бўлиб қолмайди. Уларни ақл-идрок, виждон ва иймон билан англамоқ лозим. Сиёсий, ҳуқ-уқий, ахлоқий билим ва қарашлардан миллат ватан, тархий масъулиятли даврлар талаб имкониятларини ҳисобга олиб фойдаланмоқ керак. Асосий қонунимизнинг «Сиёсий ҳуқуқлар» деб ном олган бобининг 32-моддасида Ўзбекистон Республикаси фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар деб кўрсатилган. Бундай иштирок этишлар ўзини-ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш йўли билан амалга оширилади, дейилган. Ёшлар ўзларининг ҳуқуқларидан фойдаланган ҳолда сиёсий маданиятни шакллантириб борадилар. Рақамларга мурожаат этадиган бўлсак, Тошкент шаҳрида терроризм ва диний экстеримизм ҳолатлари бўйича 1999 йил 1 январдан 2000 йил январигача қўзғатилган жиноий ишлар жами 716 тани ташкил этади. Уларнинг 30 таси 18 ёшга тўлмаган вояга этмаган ёшлар томонидан содир этилган. Шунингдек, жиноятларнинг 332 таси 18-25 ёш орасидаги ёшлар 190 таси 25-30 ёшгача бўлган ёшлар, 94 таси 30-35 ёшда бўлган шахслар томонидан содир этилган. Кўриниб турибдики бу турдаги жиноят субъектларининг 72,8 % ини 30 ёшгача бўлган шахслар томонидан содир этилган. Булар ичида 12 та талаба бор. Жиноятчиларни 80% ҳеч қаерда ишламайди²⁰. ҳўш бу хилдаги салбий ҳолатларнинг пайдо бўлишида маълум бир тўдаларнинг ва кўпоровчи гуруҳларнинг аниқ мақсадларини амалга оширишлари учун шарт-шароитлар яратиб бераётган объектив субъектив сабабларга эътибор қаратайлик:

¹⁹ Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт- пировард мақсадимиздир. Т.: Ўзбекистон, 2000 й. Б-32.

²⁰ Абзалов Э.М.. Ёшларнинг ҳукукий маданиятини шакллантириш муаммолари.-Т., 2000.

Биринчидан, чет ноқонуний диний оқимларнинг юртимизга суқилиб кириб, ҳокимиятни егаллаш мақсадида, энг иқтидорли ёшларимизни турли йўллар билан ўзларига оғдириб олишга ҳаракат қилишлари:

Иккинчидан, бозор иқтисодиётига ўтиш даврида баъзи бир моддий қийинчиликлар-ёшларимизнинг вақтинча моддий қийинчилик туфайли ноқонуний ишларга қўл уриши ҳоллари;Учинчидан, ўқув масканларида миллий қадриятларимизни ҳуқуқий-сиёсий тизимимизни тарғиб этувчи тадбирларнинг талабга жавоб эрмаслиги;Тўртинчидан, баъзи ўқув муассасаларида ўқитувчилар ва мураббийларнинг талабага нисбатан манфаатпарастлик уларнинг таълим тизимида, тарбияга бўлган қизиқишларнинг пасайишига олиб келиш ҳоллари;Бешинчидан, оилада носоғлом муҳитнинг юзага келиши, яъни баъзи ота-оналарнинг маънавий қашшоқлиги оқибатида, уларга тақлид қилган ёшларнинг пайдо бўлиши;Олтинчидан, ёшларнинг маънавий қашшоқ дўстлар даврасига тушиб қолиши;Еттинчидан, ёшларнинг бўш вақтлари этарли даражада эътиборга олинмаганлиги, назоратсиз қолаётганлигидир.

Жамиятимизнинг буюк оқибатини ва истиқболини таъминлаш учун ёшларга жамиятнинг барча жабҳаларида шу жумладан олий таълимда ҳам дунёвий ва диний билимларнинг уйғунлигини сингдириш, уларда тинчлик маданиятини шакллантириш лозим бўлади. 2-чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясида Президентимиз И.А.Каримов ушбу масаланинг долзарблигини яна бир бор таъкидлайдилар.

«Халқимизнинг табиатига мутлоқо ёт бўлган сиёсий, диний экстеримизм, ақидапарастлик ва бошқа ёвуз оқимларнинг минтақамизга кириб келиши ва тарқалиши тинчлик ва осойишталикка, фарзандларимизнинг келажагига катта хавф туғдиришини одамлар онгига чуқур сингдириб бориш керак²¹».

²¹ И.А.Каримов. Озод ва обод Ватан Эркин ва фаровон ҳаёт- пировард мақсадимиз. Т.: Ўзбекистон, 2000 й. Б-25.

Маданият тушунчасини ўрганиш жараёнида сиёсий, ҳуқуқий ахлоқий маданиятни ривожланиш даражаси билан унинг мазмунини фарқлаш жуда муҳим. Уларнинг мазмунини аҳолининг ижтимоий гуруҳи, жумладан ёшлар шерик бўлган сиёсат, ҳуқуқ, мафкура, ахлоқ мазмунлари белгилайди. Сиёсий, ҳуқуқ, ахлоқий маданият даражаси эса жамиятнинг аниқ механизмида номаён бўладиган, мазмунан бойитилган изчил даражадир. Давлатимизда юз бераётган жараёнлар шу вақтгача анъанавий бўлиб келган илмий изохларни кескин ўзгартирмоқда. Масалан: инсон ҳуқуқлари нуқтаи назари жиҳатидан баҳолаш, янгича ёндашишларни келтириб чиққан ҳолда қонунда таъқиқланмаган барча нарсалар жамият фойдасига хизмат қилиши керак. Шу сабабдан сиёсий, ҳуқуқий ахлоқий маданият алоҳида аҳамият касб этмоқда, чунки уларнинг мазмунида инсонпарварлик, умуминсоний қадриятлар мужассамдир. Ёшларда сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий маданият юксалишининг ўзига хос кафолатлари бўлиб улар қуйидагилар ҳисобланади:

1-дан, сиёсий, маънавий, ҳуқуқ фикрларнинг илғор ғояларини ўзига сингдирилганлиги,

2-дан, иқтисоднинг юқори даражаси унинг барқарорлиги:

3-дан, қонунларнинг такомиллашганлиги:

4-дан, қонун устуворлиги:

5-дан, шарқ мутафаккирларининг ҳуқуқий, сиёсий, ахлоқий қарашлари ва ғояларининг ўзида мужассамлаштирганлиги. Ёшлар билан бўлган суҳбатлар, очиқ ва ёпиқ ҳолдаги социал тадқиқотлар бизга уларнинг ҳуқуқий онгига, ҳуқуқий маданиятига салбий таъсир кўрсатадиган омилларни аниқлашга имкон берди. Булар қуйидагилардир: ёшларда умумий дунёқарашнинг торлиги, ҳамма нарсани пул билан ўлчаши, атрофдаги салбий феъл-атворли шахсларнинг таъсир этиши ва бошқалар.

Ҳозирги кунда ёшлар ҳуқуқий маданиятини шакллантиришда ўзига хос тўсиқ бўлаётган омиллар: қонунларга риоя этилишини таъминловчи таъсирчан механизмларнинг тўла куч билан ишламаётганлиги: айрим мансабдор шахслар томонидан қонунларни кўр-кўрона бузилиши; ўқув

юртларида ҳуқуқшунослик фанига кам соат ажратилганлиги: ушбу фан таълим муассасаларида ҳаммасида ҳам ҳуқуқшунос мутахассислар томонидан ўқитилмаётганлигидадир. Ҳуқуқ нормаларини мукаммаллаштиришда ахлоқ катта рол ўйнайди, ҳуқуқ нормалари эса уни одамлар онгига сингдиришда ёрдам беради.

Ҳуқуқий, сиёсий маданиятнинг ахлоқий маданият билан боғлиқлиги, қуйидаги ахлоқ категорияларида номаён бўлади: тўғрилиқ ва ҳаққонийлик, инсонийлик ва ишонч, виждон ва жавобгарлик ҳисси ҳамда бошқалар. Конституциявий нормаларда ҳам ахлоқий принтсипларни, ҳуқуқий ва ахлоқий мажбуриятлар бирлиги мустаҳкамланиб қўйилган: 48-моддасида «Фуқароларнинг Конституция ва қонунларга риоя эркинликлари, шаъни ва кадр-қиммати хурмат қилишга мажбурдирлар²²».

Шунингдек, ҳуқуқ ва ахлоқнинг ўзаро узвий алоқадорлигини З.Исламов чуқур таҳлил қиладилар. Ҳуқуқ ва ахлоқ ўртасидаги нисбатлар этарли даражада мураккаб, у бирлик тафовут, ҳамкорлик ва қарама-қаршиликлардан иборат тўрт таркибий қисмни ўз ичига олишини ўз асарида кўрсатиб ўтади²³. Шу билан бирга таниқли олим «Ахлоқ қоидаларини бузмай туриб давлат қонунини бузиш мумкин эмас» деган фикрлари билан ахлоқ- ва ҳуқуқнинг узвий боғлиқлигини бир сўзда ифодалядилар²⁴. Ҳозирги кунда ахлоқий маданият ёшлар ҳаётини юксак ижтимоий мантиқ билан, мазмун билан тўлдиради, жамиятда учраб турувчи ижтимоий тараққиётга тўсик бўлувчи ҳурофот ва иллат. Ҳуқуқий, сиёсий маданият каби ахлоқий маданият даражасини ошириш зарурати ҳозирги шароитда мустақил Ўзбекистоннинг мафкуравий-иқтисодий тараққиёти учун ҳам муҳим ҳисобланади.

Ёшларнинг ахлоқий маданияти моҳияти уларнинг индивидуал онгини ва амалий фаолиятини миллий ва умуминсоний тамойиллар даражасига олиб чиқилиши билан алоҳида хусусиятга егадир. Айни вақтда ёшларнинг ахлоқий маданиятининг асосий хусусиятлари ахлоқий билимлар, ҳис-туйғулар,

²² Ўзбекистон Республикаси Конституцияси Т.: Ўзбекистон. Н.М.И.У. 2008 й.

²³ Исломов З. Общество Государство Право –Т. Адолат 1998 йил 24-28 бет.

²⁴ Исломов З, Хусанов О, Мирҳамидов И. Ҳуқуқшунослик. Маърузалар матни. –Т.: 2000 й. 47-б.

этикод ва амалий ишларда номаён бўлади. Ҳуқуқий ва ахлоқий маданиятни шакллантириш турли йўналишларда амалга оширилсада, қуйидагилар асосий фактор бўлиб кўрсатилади. 1-дан, ёшларга ҳуқуқнинг ахлоқий қиммати жамият тараққиётининг асосий ҳаракатчиси эканлигини кўрсатиш ва асослаш. Ҳуқуқ нафақат жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий асосини ва сиёсий тузумини мустаҳкамлайди, балки инсонларнинг ҳатти-ҳаракатини ижтимоий жиҳатдан тартибга солувчи, илмий ва маданий қадрият сифатида номаён бўлади. Ҳуқуқ инсонларнинг ижтимоийлашувининг, маънавий баркамоллашуви, дунёқарашнинг кенгайиши, инсониятнинг маданий бойликларини ўзлаштиришнинг асосий воситасидир²⁵.

Қайсидир маънода ҳуқуқий маданиятни сиёсий маданиятнинг бир кўриниши сифатида қабул қилиш мумкин, чунки ҳақиқатдан ҳам сиёсий маданият ҳуқуқий маданиятга нисбатан кенг қамровли тушунчадир. У.Таджиханов ва А.Саидовлар ўзларининг «Ҳуқуқий маданият назарияси» номли дарслигида сиёсий маданиятга берган таърифи юқорида келтирилган фикримизнинг яққол далилидир. «Сиёсий маданиятни дунёқарашлар мақомида яъни одамларнинг сиёсий давлат ва ҳуқуқий тузилмаларга бўлган муносабатларни таърифловчи тушунча сифатида тан олиш зарур²⁶».

Ҳуқуқий маданият ҳуқуқий таъсир кўрсатиш механизмида мустақил ўрин тутати. Уларсиз қонун яратиш ҳам, ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш ҳам мумкин бўлмайди. Чунки ҳуқуқнинг мавжудлиги инсон билан чамбарчас боғлангандир. Ижтимоий турмуш талаблари токи давлат органларининг ҳуқуқ яратиш фаолиятини амалга оширишда иштирок этаётган одамларнинг иродаси ва онги орқали ўтмагунча юридик нормалар сифатида ифодаланиши мумкин эмас. Ҳуқуқий маданият ижтимоий маданиятнинг ахлоқий ва сиёсий маданиятга ўхшаш бўлмаган махсус шакли сифатида номаён бўлсада, аммо унча фалсафий, сиёсий, маънавий қарашлар таъсир етиб туради. Ҳуқуқий маданият ҳар бир инсонга

²⁵ Орзих М.Ф. Личность и право.— М. Юрид. 1975 с-101.

²⁶ Таджиханов У. Саидов А. Ҳуқуқий маданият назарияси. —Т. Ўзбекистон. РИИВ акад. 1998 й. 33-б.

жамият ва давлат ишларини бошқаришда онгли равишда ва билимдонлик билан иштирок этиш, ўз хулқ атворини ва фаолиятини тегишли тарзда ташкил этиш имконини беради. Сиёсий жараёнларда давлат ва жамиятни бошқаришда шу тариқа ҳуқуқий маданият ва сиёсий маданият ўзаро бири-бирига чамбарчас боғланиб кетади.

Сиёсий маданият жамият ҳар бир аъзосининг сиёсий онлилиги, сиёсий қобилияти, сиёсий билими ва кўникмалари билан ҳарактерланувчи фаолиятнинг ўзига хос кўринишидир. Сиёсий маданият ижтимоий маданиятнинг бошқа шакллари билан шаклланиб боради. Жамият ҳаётидаги сиёсий ўзгаришларнинг қонунларда ифода қилиниши ва тартибга солиниши билан чуқур алоқада ва сиёсий моҳиятга эга бўлади. Чунки қонунлар ва бошқа ҳуқуқий нормаларнинг давлат томонидан ишлаб чиқилиши ва амалга оширилиши унинг фаолияти сиёсий моҳиятга эга эканлиги билан белгиланади. Шунинг учун ҳам ҳуқуқий маданият сиёсий маданиятни ўзига хос даражада акс эттиради. Фуқаролик ҳуқуқида давлатнинг фуқаролар билан ўзаро муносабатлари, уларнинг ҳуқуқ ва бурчлари, уларнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва ролига доир масалаларда сиёсий фаолият акс этади. Бунинг маъноси шундаки, ҳуқуқий мазмунга эга бўлган масалалар ёшлар онгида сиёсийлашади, сиёсий ва ҳуқуқий маданиятнинг ўзишига ёрдам беради. Ўз навбатида сиёсий маданиятга эга бўлган масалалар ҳуқуқий маданиятнинг шаклланиши ва ривожланиб боришида муҳим рол ўйнайди.

Шунингдек ҳуқуқий, сиёсий маданият ахлоқий маданият билан ҳам чуқур алоқада ва диалектик бирликда. Ахлоқий нормаларнинг сиёсат ва ҳуқуқ субъектлари фаолиятида номаён бўлиши унинг сиёсий ва ҳуқуқий онг билан ўзаро алоқадорликка эга эканлигини кўрсатади. Ҳар бир ёш шахс сиёсат ва ҳуқуқий муносабатларнинг субъекти сифатида ахлоқнинг виждон, бурч, инсонийлик, садоқатлилиқ ва ахлоқнинг бошқа шулар сингари турларига муносабатда бўлади ва уларни ўзида мужассамлаштиради. Ахлоқ нормаларининг ёшлар онгида ижтимоийлашиб бориши орқали улар ҳуқуқий сиёсий онг ва маданиятга таъсир кўрсатади. Маънавий-ахлоқий маданият

сиёсий ва ҳуқуқий маданиятга қанчалик таъсир этса, ўз навбатида сиёсий, ҳуқуқий маданият ҳам маънавий-ахлоқий маданиятнинг шаклланиши ва ривожланишида муҳим аҳамиятга эгадир.

Сиёсий, ҳуқуқий-маънавий онги ва маданияти юқори даражада ривожланган фуқаролар, шунингдек ёшлар яшайдиган жамиятгина тараққиётнинг юксак босқичларига кўтарила олади. Ўзбек халқи сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий маданиятнинг манбалари, заминлари, шарқ мамлакатлари маданиятига бориб тақалади. Шарқ ниҳоятда хилма-хил бўлсада, шарқона жамиятлар учун муайян ўхшаш хусусиятлар хос эканлигини таъкидлаш лозим. Устувор даражада индивидуалликка йўналтирилган ғарб инсонига қарама-қарши шарқ кишиси жамоага маънавий боғлиқликни ўзида ифода этади. Юқорида қайд қилинган фикрлардан шундай хулоса қилишимиз мумкинки сиёсий, ҳуқуқий, маънавий-ахлоқий маданиятдаги биргаликдаги ҳаракати ягона ҳолда бўлиб, параллел ривожланиши эмас, балки маданиятининг бу турларини узвий равишда чатишиб кетиши, биргаликдаги таъсири, бир-бирини бойитиши ижтимоий бошқарув соҳасида маданий қадриятлар ташкил бўлишини ҳарактерлайди.

Мустақиллик шароитида сиёсий маданиятни ахлоқий қадриятлар мезонида шакллантиришга эътиборни кучайтирмоғимиз даркор. Миллий ахлоқий қадриятлар, урф-одатлар замирида шаклланган сиёсий маданиятгина халқимизнинг шарқона феъл атвори, хулқ-одоб ва кайфиятини ўзида акс эттиради ва бу ўзига хос ва мос йўлни танлаган Ўзбекистонимиз учун, унда ҳукм сураётган барқарорликни мустаҳкамлаш учун муҳим омил бўлади. Ўзбекистоннинг ярмидан кўп аҳолиси қишлоқ жойларида истиқомат

Ўзбекистоннинг ярмидан кўп аҳолиси қишлоқ жойларида истиқомат қилади ва буларнинг аксарияти ёшлардир. Улар асосан қишлоқ хўжалиги билан машғулдирлар. Тан олиб айтишимиз керакки, бу ёшларнинг орасида ҳозир ҳам жамиятда кечаётган сиёсий жараёнларнинг асл моҳиятини чуқур англаб этмаган, мустақиллик тафаккури тула шаклланмаган, ўз ҳақ-ҳуқуқларини билмаган ёшлар ҳам тез-тез учраб туради. Бунинг асосий

сабабларидан бири бизнинг назаримизда оила бошлиқлари, ота-оналарнинг бола тарбиясига эътиборсизлиги, жойлардаги таълим тизими ва сиёсий тизимларнинг, ҳокимият органларининг бу масалага масъулятсизлиги бўлиб қолмоқда.

2012 йил Мустаҳкам оила йили, бу йил эса "Обод турмуш" йили деб тайинланиши Республикамизда ёшлар тарбиясида ва умуман жамият ривожига унинг аҳамияти беқиёс эканлигини кўрсатиб турибди. Ёшлар сиёсий маданиятининг асослари аввало оилада, ота-оналари таъсирида шаклланади, боиси улар жамиятда бўлаётган ижтимоий-сиёсий ўзгаришларни ўзига хос тарзда англаб фарзандларига этказадилар. Ёшларнинг қадриятларга мойиллиги шаклланишига ўз дунё қарашлари, тафаккури доирасида таъсир этадилар. Шу жиҳатдан ёшларнинг сиёсий онги ва дунё қарашини шакллантиришда ота-онанинг ролига катта аҳамият бериш, уларнинг маънавий этуклиги муаммоларига эътиборни қаратиш, жоиз бўлса ёшлар тарбиясида уларнинг масъуллиги ва жавобгарлигини ифода этувчи қонун ва қарорлар, кўрсатмалар қабул қилиш аҳамиятга моликдир. Зотан, шундай муаммоларни ечиш учун бизнинг назаримизда Республика "Оила" марказининг тузилганлиги муҳим аҳамиятга эга бўлди.

"Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида" 1991 йил 20 ноябрда қабул қилинган қонунда ёшларга доир давлат сиёсатининг мақсад ва қоидалари баён этилиб, уларда ёшларнинг сиёсий маданиятига тегишли дастурлар ҳам ифодаланган. Бу қонунда таъкидланганидек, "ёшларга оид сиёсат Ўзбекистон Республикаси давлат фаолиятининг устивор йўналиши" бўлиб, унинг мақсади ёшларнинг ижтимоий-сиёсий шаклланиши, камол топиши, ижодий иқтидори жамият манфаатлари йўлида имкон борича тўла-тўқис рўёбга чиқиши учун ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий, ташкилий жиҳатдан шарт-шароит яратиш, ҳамда уларни кафолатлашдан иборатдир. Мазкур қонунда ёшларга доир давлат сиёсатининг қуйидаги қоидалари уларнинг сиёсий маданиятини

шакллантириш ва бойитишга бевосита хизмат қилиши қайд этилган ва кафолатланган:

1. Миллати, ирки, тили, дини, ижтимоий мавқеи, жинси, маълумоти ва сиёсий эътиқодидан қатъий назар ёшлар тўғрисида ғамхўрлик қилиш;

2. ёшларни ҳуқуқий ва ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш; миллий, маданий санъатларнинг авлоддан авлодга ўтиши, авлодларнинг маънавий алоқасини таъминлаш;

3. Ёшларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, ёшлар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари доирасида ўз манфаатларини амалга ошириш йўллари - эркин танлай олишларига кафолат бериш;

4. Жамиятни ривожлантиришга, айниқса, республика ёшлари ҳаётига оид сиёсат ва дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда ёшларнинг бевосита иштирок этиши;

5. Ҳуқуқ ва бурчларининг, эркинлик ва фуқаролик маъсулиятининг бирлигини таъминлаш. Мазкур қонунда ёшларнинг сиёсий ҳуқуқлардан тўла фойдаланишлари мумкинлиги кўзда тутилиб, бундай дейилган: "Ўзбекистон Республикасининг ёш фуқарolari Конституция ва қонун ҳужжатларида мустаҳкамланиб қўйилган ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва шахсий ҳуқуқ ҳамда эркинликлардан тўлиқ фойдаланадилар".

Бу ҳуқуқларни сабабсиз чеклаб қўйиш мумкин эмаслиги ҳам таъкидланиб, бундай дейилган: "Ёшларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини уларнинг ёшига қараб қандайдир бевосита ёки билвосита чеклаб қўйишга йўл қўйилмайди ва бундай хатти-ҳаракатлар амалдаги қонунларга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади".

Юқоридагилардан яққол кўриниб турибдики, мазкур қонун ёшлар ҳақидаги давлат сиёсатининг бошқа ҳамма давлатларга намуна бўладиган, ёшларга эса ўз сиёсий ҳуқуқ ва мажбуриятларини англашларига беками-кўст шароит яратадиган ғоят қимматли ҳужжатдир.

Республикаимизнинг ўзига хос жиҳатларидан бири унда юздан ортиқ миллат ва элат истиқомат қилишидир. Шу боис миллатини севиш ва ўзга

миллат вакиллариغا, уларнинг тарихига, бой маънавий меросига ҳурмат билан қарашни шакллантириш ҳам долзарб вазифадир. Боиси ўз миллатини севган, эъзозлаган шахс ўзга миллатни камситмайди ва аксинча, Президентимиз таъкидлаганидек, ҳозирги шароитда миллатчилик, маҳаллийчиликка хос бўлган иллатларнинг учраб туриши маънавий қашшоқлик намунасидир. Айти вақтда бу нуқсонларни айрим шахсларда сиёсий маданият пастлиги билан ҳам изоҳлаш мумкин. Ўз халқимиз тарихига муҳаббат, ўзга миллатларнинг миллий-маънавий анъаналарига ҳурмат руҳини шакллантириш эса ёшлар тарбиясида шу йўналишда ҳал қилиниши лозим бўлган муҳим вазифалар сирасига киради.

II БОБ. ОАВ ОРҚАЛИ ЁШЛАР СИЁСИЙ МАДАНИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ДОЛЗАРЪ МУАММОЛАРИ

2.1. Оммавий ахборот воситаларининг ижтимоий аҳамияти ва тушунчаси

Оммавий ахборот воситалари - нашрлар, радио ва телеэшиттиришлар, кинохроник программалар, ва оммавий ахборот етказишнинг бошқа шакллари. Оммавий ахборот воситалари деганда қонуншунос "кенг оммага мўлжалланган нашрий, аудио, аудиовизуал ва бошқа маълумот ва материалларни тушунади". Оммавий ахборот воситаларининг мақсади муайян жамиятнинг маънавий бойликларини қарор топтириш ҳамда кишиларнинг хулқ-атвори ва дунёқарашига идеологик, сиёсий, иқтисодий ёки ташкилий таъсир ўтказишдан иборат.

Оммавий коммуникациянинг келиб чиқишига 20-асрнинг 1-ярмида катта ҳажмдаги оғзаки, образли ва мусиқавий информацияларни тез ва ғоятда кўпайтириб ўзатишга имкон берган техник қурилмаларнинг яратилиши моддий замин бўлди. Юксак профессионал мутахассис ходимлар хизмат қиладиган бу қурилмаларининг комплекслари "оммавий информация ва пропаганда воситалари" ёки "Оммавий ахборот воситалари" деб атала бошлади. ОАВ ахборот манбаи ҳамда ахборотни қабул қилиб олувчидан иборат системани ташкил этади. Ахборот манбаи уни қабул қилиб олувчи билан матбуот, радио ва телевидение, кино, овоз ёзиш (грампластинка, магнитофон роликлари, кассеталар, ёки компакт диск ва ахборот ташувчи компьютер файллари ишлаб чиқариш ва тарқатиш) системалари орқали боғланган бўлади.

Оммавий ахборот воситаларининг самаралилиги ва таъсирчанлиги фақат ўзатилаётган ахборотнинг ўқувчи, тингловчи, томошабинга таъсирининг мақсади ва вазифалари билан эмас, балки улар мазмуни ва шаклининг кишиларнинг доимий ва кундалик эҳтиёжларига мувофиқ келиши

билан ҳам белгиланади. Ғоявий-сиёсий кураш, ижтимоий группалар муносабатларини мазмуни ва шаклига, пропаганданинг идеологик, сиёсий ва бошқа турларига турлича жиддий таъсир курсатади. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси цензурага йўл қўймайди. Ахборотни қидириш, олиш, бериш, ишлаб чиқариш, ва тарқатишнинг қонуний шакли давлатга тегишли ёки қонун билан махсус қўриқланадиган сирларни мумкин эмаслиги эътироф этилади.

Шунингдек, ОАВни жиноий жавобгарликка тортиладиган мақсадлар йўлида, масалан, ҳокимиятни эгаллашга қаратилган чақирувлар, конституцион тузумни куч ишлатиш йўли билан ўзгартириш; миллий, синфий, ижтимоий, диний адоватни келтириб чиқарадиган материаллар: урушни пропаганда қилувчи порнографик, ёвўзик ва босқинчиликни тарғиб этувчи программаларни тарқатиши тақиқланган. Шунингдек, махсус ОАВларга тегишли ахборот текстларини теле-, видео-, кинопрограммаларда, ҳужжатли ва бадиий фильмларда, шунингдек компьютер ахборот файлларида ва ахборотни қайта ишлаш программаларида фойдаланиш, инсонлар онгига таъсир этувчи ва соғлигига зарар етказувчи яширин маълумотлар тарқатиш, яширин аудио ва видеотасвир, кино ва фотосъёмка ёрдамида тайёрланган, мавжуд журналист ҳуқуқи ёрдамида ижтимоий муҳим бўлган маълумотларни бузиш, ишончли манба тариқасида миш-миш тарқатиш, бошқа шахс ёки организация учун маълумот тўплаш таъқиқланади. Журналистлик ҳуқуқини шунингдек, шахс ёки фуқароларнинг айрим тоифаларини жинси, ёши, ирқий ёки миллий келиб чиқиши, тили ва динга муносабати, касби, яшаш жойи, ҳамда сиёсий қарашлари билан боғлиқ бўлган маълумотларини камситиш йўлида ишлатиш таъқиқланади.

Ахборот ҳуқуқлари ва эркинликлари ахборот ҳуқуқининг юридик негизини ташкил этади, уларни кафолатлаш эса ушбу янги ҳуқуқ соҳасининг асосий мақсадидир. Жаҳон ҳамжамияти XX асрнинг ўрталаридаёқ ахборотнинг шахс, жамият, давлат ҳаётидаги ролини ҳисобга олган ҳолда, инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини таъминлайдиган

ҳукукий механизмларни жорий этган эди. Бугунги кунга келиб эса ахборот ҳукуқи алоҳида ҳукуқ соҳаси сифатида шаклланди. Ахборот ҳукуқлари ва эркинликлари 1948 йилнинг 10 декабрида БМТ Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган Инсон ҳукуқлари умумжаҳон декларациясида илк бор эътироф этилган эди. Жумладан, унинг 11-моддасида таъкидланишича, жиноят содир этганликда айбланган ҳар бир инсон ҳимоя учун барча имкониятлар таъминланган ҳолда, очик судлов йўли билан унинг айби қонуний тартибда аниқланмагунича айбсиз деб ҳисобланиш ҳукуқига эга. 12-моддада қайд этилишича, ҳеч кимнинг оилавий ва шахсий ҳаётига ўзбошимчалик билан аралашуш, турар жой дахлсизлигига, унинг ёзишмаларидаги сирларига ёки унинг ор-номуси ҳамда шаънига нисбатан асоссиз равишда таъжовуз қилиниши мумкин эмас. Ҳар қандай инсон бундай аралашув ва таъжовуздан қонун йўли билан ҳимояланиш ҳукуқига эга. 19-моддада кўрсатилишича, ҳар бир инсон эътиқод эркинлиги ва уни эркин ифода қилиш ҳукуқига эга; бу ҳукуқ қеч бир тўсиқсиз ўз эътиқодига амал қилиш эркинлигини ҳамда ахборот ва ғояларни излаш, олиш, ва тарқатиш эркинлигини ўз ичига олади.

Европа кенгашининг инсон ҳукуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Конвенциясида ахборот ҳукуқлари ва эркинликлари бўйича белгилаб қўйилган қоидалар янада ривожлантирилди. Жумладан, унинг 10-моддасида баён этилишича, ҳар бир инсон ўз фикрини эркин ифода қилиш ҳукуқига эга. Бу ҳукуқ ўз фикрини асос тутиш эркинлиги ва ахборотлар ҳамда ғояларни давлат идоралари томонидан ҳеч қандай аралашувсиз ва давлат чегараларига боғлиқ булмаган ҳолда олиш ва тарқатиш эркинлигини ўз ичига олади. Мазкур модда давлатларга радио эшиттириш, телевизион ёки кинематография корхоналарига лицензиялашни амалга оширишга тўсқинлик кўрсатмайди.

Ўзбекистон Президенти берган ҳаққоний баҳога кўра, бу кўрқув - ўз малакаларининг етишмаслигини, қўйилган саволларга етарли савияда жавоб бера олмасликларини кўрсатиб қуйишдан бошқа нарса эмас. Бундай ҳолатлар

гўё бизнинг жамоатчилик ва жаҳон афкор оммасидан яширадиган нарсамиз бордек сохта тасаввўрни туғдирувчи мамлакатимиз учун номуносиб имидж - киёфанинг шаклланишига олиб келади. Ҳолбуки, Ўзбекистон сиёсати очик сиёсатдир, ОАВ эса мамлакатдаги ислохотларнинг бориши ва уларнинг натижалари билан жамиятни таништиришга интилади.

Ҳурматли Президентимиз халқимиз орасида кўп учрайдиган лоқайдлик кусурига кўп бора тўхталиб ўтганлар. Бефарқлик, жамиятда кечаётган жараёнларга эътиборсизлик демократик ва ҳуқуқий йўлдан бораётган ҳар қандай давлат пойдеворини заифлаштиради. Тўғри, фуқароларнинг сиёсий онги фақатгина сайлов жараёнлари билан белгиланмайди. Бу борада “тўртинчи ҳокимият” бўлмиш оммавий ахборот воситаларининг ҳам ўрни муҳимдир. ОАВ ҳар бир инсонга турлича таъсир қилади. Энг асосийси, ОАВ инсонларнинг онгини чархловчи кучли омил саналади. Турли миш-мишларга кулоқ тутмай ҳар бир жараёнга онгли ёндашиш халқнинг сиёсий маданияти шаклланишида энг асосий омил бўлиб хизмат қилади. Бу жараёнда эса ОАВ фаолиятдан бохабар бўлиб туриш жуда муҳимдир.

ОАВ жамиятнинг ажралмас бўғинига айланиб улгурди. ОАВ, аввало, фуқаролар билан давлат орасидаги энг муҳим воситачи ҳисобланади. Бу воситачилик эса журналистларнинг фаоллиги орқали рўёбга чиқади. ОАВнинг нофаоллиги эса мавжуд ҳокимиятнинг жамиятдан узоқлашувига олиб келади. Дарҳақиқат, жамиятнинг сиёсий жиҳатдан ижтимоийлашувида, яъни сиёсий онг ва ҳуқ-атворнинг шаклланишида журналистика энг кучли омил саналади. Фуқаролардаги ўша онгни, ўша ҳуқ-атвори тарбиялаш эса унинг бирламчи вазифаси. Бу тарбия ҳар қандай демократик тизимнинг асоси бўлиб хизмат қилиши ҳеч кимга сир эмас.

Бугунги кунга келиб жаҳон ОАВларига хос энг катта камчиликлардан бири бу журналистларнинг фақат кузатувчи бўлиб қолишаётганидир. Мавжуд воқеаларга фақат кузатувчи бўлиб туриш бу лоқайдлик, бефарқлик кўриниши. Хоҳ тележурналист бўлсин, хоҳ матбуот ходими бўлсин, ўзи шарҳлаётган воқеаларга очик кўз билан қарамаса, бу аввало, ўша

журналистга шунинг баробарида оммавий ахборот воситаларига ишончсизликни келтириб чикаради.

Дунёнинг ривожланган мамлакатларида ОАВнинг роли нақадар муҳимлиги бизга аён. Бугунги кунда дунё ОАВларида оммалашиб бораётган яна бир “касаллик”, бу воқеаларни ноҳолис ёритишдир. “Андижон воқеалари”ни келтириб ўтишнинг ўзи кифоя. Мазкур воқеалар юз берган даврда Ғарб журналистикаси воқеаларга ҳолис баҳо бериш ўрнига, ҳақиқий “информацион таҳдид”га ўтиб кетди. Бу каби ҳолатлар остида, албатта давлатнинг халқаро мавқеига путур етказиш мақсади ётади.

Ғарб журналистикаси балки ўзининг “қайноқ” саҳифалари билан воқеаларни баён қилиб, дунёни бир зумга ҳайратга солган бўлса, ажаб эмас. Бироқ бугунга келиб, Ғарб журналистикасида воқеаларни газетхонга ҳолис етказишдан кўра, ўта қизиқарли ва шиддаткор қилиб етказиб бериш бирламчи ўринга чиқиб кетди. Айрим журналистлар ҳатто ўзбек диёрида бўлмагани ҳолда ташқаридан туриб ҳам башоратгўйлик йўлига ўтиб кетишди. Ушбу жараён бевосита “сиёсий маданият” тушунчаси билан ҳам боғлиқ. Сиёсий онги ва сиёсий маданияти кучли бўлган ҳар қандай жамият ёшлари, бу каби “қайроқи” мақолалар таъсирига берилмайди, бу каби мақолалар остида шунчаки “сиёсий ўйинлар” ётганини осонгина тушиниб етади. Бугунги кун ОАВлари шиддат билан ривожланмоқда. Хусусан ўзбек журналистикаси ҳам ана шу поғоналарда илдамламоқда. Бир ёзувчимизнинг “Ёзишни ўрганиш учун ёзиш керак” дея таъкидлаб ўтган гапини бугунги кун журналистикаси учун ҳам шиор қилиб олсак бўлади. Инсон қобилияти ва маҳорати ҳам худди олмосга ўхшайди, унга қанчалик ишлов бера борсанг, у кун сайин кўркамлашиб жавоҳирга айлана боради.

Сиёсий маданият тушунчаси ўз мазмунига кўра шахсларнинг, ижтимоий гуруҳларнинг ҳаётий фаолияти ва сиёсий ҳаётда қатнашиш малакасини ўзлаштиришни, қатнашиш даражасини ифодалайди. Сиёсий маданият, сиёсий тафаккур ва сиёсий фаолият шаклида намоён бўлади.

**Ахборот майдонининг ҳолатига салбий таъсир қилувчи бугунги
кундаги ташқи тенденциялар:**

- Эндиликда ОАВ ижтимоий онгга манипулятив таъсир кўрсатиш учун кудратли воситага айланди ва у турли мамлакатлар ахборот майдонида айрим давлатлар томонидан ўз сиёсий мақсадларига етиш йўлида фаол қўлланилмоқда;

- Баъзи ғараз мақсадли сиёсий кучлар АҚШ ва айрим Ғарб мамлакатлари таъсири, шунингдек, молиявий кўмагида ўзларининг ахборот тарқатиш ва тарғибот ишларини қайта шакллантирдилар. Улар қатор веб-сайтлар ва даврий нашрлар, электрон ОАВ орқали ўз фаолиятларини жаҳон ҳамжамияти олдида айрим мамлакатларнинг (хусусан Ўзбекистоннинг ҳам) имиджига салбий таъсир кўрсатишга йўналтирганлар;

- Айрим хорижий ОАВ ғараз мақсадли гуруҳлар томонидан турли ахборот-сиёсий технологиялар услубларидан фойдаланиб, аксилўзбек тарғиботини олиб боришда, мамлакат ички ва ташқи сиёсати борасида чалғитувчи, тенденциоз руҳдаги ахборотларни тарқатишда фаол қўлланилмоқда;

- Фаолияти мамлакатнинг ички ахборот майдонига йўналтирилган баъзи чет эл ОАВ мақсадли мақолалар чоп этиш орқали аҳолига психологик босим ўтказишга интилишларини давом эттиришмоқда.

Ахборот соҳасини ислоҳ қилиш йўлида амалга оширилган ишлар:

- Ўзбекистонда кейинги йилларда сунъий йўлдош алоқа тармоғи орқали телерадиодастурларни тарқатиш йўлга қўйилди. Бугунги кунда мамлакатимиз телекоммуникациялар тизими дунёнинг 180 та мамлакатига 28 та йўналиш бўйича тўғридан-тўғри чиқадиган халқаро каналларга эга.

- Юртимиздаги телерадиоканаллар томонидан тайёрланаётган кўрсатув ва эшиттиришлар Интернет глобал тармоғи орқали реал вақт режимида жаҳонга узатилмоқда.

- Кейинги 10 йилнинг ўзида босма оммавий ахборот воситаларининг сони 1,5 баробар, электрон оммавий ахборот воситаларининг сони эса 7

баробар кўпайиб, бугунги кунда уларнинг умумий сони қарийб 1200 тага етди.

- Мавжуд барча телеканалларнинг қарийб 53 фоизи, радиоканалларнинг эса 85 фоизи нодавлат оммавий ахборот воситалари ҳисобланади. Оммавий ахборот воситалари ўзбекистонда яшайдиган миллат ва элатларнинг 7 та тилида фаолият олиб боради, шунингдек, босма материаллар ва телекўрсатувлар инглиз тилида ҳам тарқатилмоқда.

- Эфир орқали узатиладиган материалларни тайёрлаш жараёнига замонавий рақамли ва мултимедиа технологиялари жорий қилинаётганида намоён бўлмоқда. Юртимизда Интернет тизимидан фойдаланувчилар сафи жадал суръатлар билан кенгайиб бормоқда. Бугунги кунда уларнинг сони 6 миллиондан ортиб кетгани ҳам буни тасдиқлаб турибди.

2.2. Сиёсий-ҳуқуқий фаолликни шакллантиришда оммавий ахборот воситаларининг ўрни

Ёшларнинг сиёсий маданиятини шакллантириш фуқаролик жамиятининг муҳим институти бўлган оммавий ахборот воситаларининг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъбири билан айтганда: "Оммавий ахборот воситалари ҳар бир киши фикрини ифода эта олишига имкон берадиган эркин минбар бўлиши керак. Айти шу оммавий ахборот воситалари жамиятимизнинг демократик кадриятларини ва тушунчаларини ҳимоя қилиши, одамларнинг сиёсий, ҳуқуқий ва иқтисодий онгини шакллантириш бўйича фаол иш олиб бориши лозим²⁷".

Ўз урнида, оммавий ахборот воситаларининг ёшлар онгига ва бутун жамиятга қай тарзда ва қай даражада таъсир этади? - деган саволга жавоб излаш ушбу масалани кенгрок ўрганишда муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, ёшлар сиёсий маданиятини юксалтиришнинг энг самарали

²⁷ Каримов И.А. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Т.7. -Тошкент: Ўзбекистон, 1999. - Б.391.

воситаси сифатида, оммавий ахборот воситалари яъни, телевидение, радио, матбуот, илмий-оммабоп адабиётлар, шунингдек, ахборотномалар ҳамда бошқа коммуникациялар ҳисобланишини эътиборга оладиган булсак, уларнинг бу борадаги фаолият йуналишларини таҳлил этиш ва уни такомиллаштириш бўйича тегишли таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш ҳозирги кунда долзарб аҳамият касб этаётганлигининг гувоҳи бўламиз. Бинобарин, мамлакатдаги ижтимоий-сиёсий барқарорлик жамоатчилик фикрининг ҳолатига боғлиқ эканини ҳисобга оладиган булсак, уни шакллантирувчи оммавий ахборот воситалари фаолиятига жиддий эътибор бериш зарур, деган хулоса келиб чиқади.

Муайян шахснинг сиёсий маданиятини ошириш жараёни ҳақида гап кетганда, одатда мазкур жараёнга таъсир этадиган куйидаги тўрт омил кўрсатиб ўтилади:

- шахснинг ҳаётий тажрибаси (шу жумладан, шахс ҳаётининг ижтимоий-иқтисодий шароитлари);

- шахснинг тажрибасини у мансуб булган жамоа тажрибасигача кенгайтирувчи шахслараро алоқалар;

- турли ижтимоий гуруҳларнинг тажрибасини таркатувчи жамият институтлари (мактаб, партиялар, ижтимоий-сиёсий бирлашмалар, диний муассасалар ва бошқалар);

- инсон ҳаётининг барча йуналишлари бўйича турли халқдар, омма ва шахсларнинг тажрибасидан фойдаланиш имконини берувчи оммавий ахборот воситалари²⁸.

Таъкидлаш жоизки, ижтимоий фанларда оммавий ахборот воситаларининг шахс онги ҳамда уларнинг сиёсий маданиятини оширишга таъсир этиш даражаси юзасидан бир катор назариялар яратилган. Оммавий ахборот воситаларига жамиятни ахборотга булган эҳтиёжини қондириш воситаси ҳамда унга жамият аъзоларининг руҳиятига таъсир утказувчи кучли

²⁸ Каранг: Одилқориев Х.Т., Гойибназаров Ш.Г. Сиёсий маданият. - Тошкент: Ўзбекистан Республикаси ИИВ Академияси, 2004. -Б. 175.

манипулятив куrol тарикасида ёндашадиган назариялар шулар жумласидандир. Биринчи назарияда инсон ахборотни фаол филтрловчи индивид сифатида намоён булади. Ушбу ёндашувга кура, инсон узининг эхтиёжидан келиб чикиб, керакли ахборотни танлаш ва ундан фойдаланиш хукукига эга булиши лозим. Иккинчи назарияда эса инсонга ахборотни пассив кабул килувчи сифатида каралиб, оммавий ахборот воситалари хукмрон доираларнинг жамиятга нисбатан манфаатларини амалга оширишда восита сифатида майдонга чикиши тугрисидаги гоё илгари сурилади²⁹.

Юкоридагилар билан бирга, жамият сиёсий онгига таъсир этиш куп жихатдан оммавий ахборот воситалари томонидан яратиладиган ахборот майдонига богликдир, деган карашлар хам кенг таркалган. Дархакикат, хозирги замон кишисининг мураккаб сиёсий маконда уз урнини топиши хамда унинг сиёсий фаоллиги биринчи навбатда, оммавий ахборот воситалари томонидан етказиладиган ахборотларнинг мазмун ва мохиятига боглиқ. Шу билан бирга, шахснинг ўзини ўзи сиёсий англаши жараёнида факат оммавий ахборот воситаларининг роли х,ал килувчи ахамиятга эга, деб хисоблаш хам тўгри булмайти. Мазкур жараёнда хар бир омилнинг улуши мавжудлигини эътиборга олиш лозим.


Ёшлар сиёсий маданиятини аниқлаш мақсадида баъзи ёшларимиз орасида социологик тадқиқот ўтказдик. Аввало социологик тадқиқот дастури (1-илова) ва анкета саволларини тузиб олдик (5-илова). Хар қандай жамият истиқболи, энг аввало, мазкур жамиятда яшайдиган ёшлар сиёсий маданиятининг қай даражада шаклланганлиги ва уларнинг ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги иштироки билан белгиланади. Ўзбекистонда аҳолининг ушбу қатлами салмоқли қисмга эга бўлиб, уларнинг бор ички имкониятларини рўёбга чиқариш, ташаббускорлиги ва фаоллигини қўллаб-қувватлаш, шижоати ва ғайратини аниқ эзгу мақсадлар сари йўналтириб бориш

²⁹ Каранг: Политология. Курс лекций. Под ред. д.ю.н., проф. М.Н.Марченко. Изд. 3-е, перераб. и доп. - М.: Издательство ЗЕРЦАЛО, 1999. -С.368.


давлатимиз учун стратегик аҳамиятга молик вазифалардан бири ҳисобланади. Бугунги кун ёшлари ахборот технологиялари шиддат билан ривожланаётган даврда яшамоқда. Фақатгина ОАВ орқали баландпарвоз сиёсий чиқишлар қилиб, ёшларнинг қалбидан жой олиш мушкул иш. Шунинг учун замон билан ҳамнафас бўлиб ўсиб келаётган ҳозирги ёшларнинг онгига янги, теран фикрларни сингдириш билан биргаликда, уларда шаклланиб бораётган мустақил, танлаш ҳуқуқига эга бўлган эркин позицияни, содир бўлаётган барча жараёнларга нисбатан танқидий қарашларини ҳам инобатга олиш зарур. Шуниси эътиборлики, бугунги кунда ёшларимизнинг ижтимоий онги, ҳаётга муносабати, сиёсий этуклиги, юртимизда ва дунёда юз бераётган воқеа-ҳодисаларга нисбатан дахлдорлик ҳисси, фуқаролик масъулияти ошиб бормоқда. Жамиятимизнинг ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий, маънавий-маданий юксалиб бораётганлиги ёшларнинг дунёқараши, мотивацион эҳтиёжий доираси, шахсий қобилиятлари ва ички имкониятларининг рўёбга чиқишига таъсир кўрсатмоқда.

Ёшларнинг сиёсий фаоллиги, жумладан, мамлакат сиёсий ҳаётида муҳим ўрин сайловлардаги иштироки билан боғлиқ. Тадқиқотимиз натижалари шуни кўрсатадики, 18 дан 24 ёшгача бўлганлар орасида жамиятда рўй бераётган ўзгаришларга анчайин оптимистик руҳда қарайдиган, номзодларнинг сайловолди кампаниясида мақсадли рекламаларнинг таъсирига осонликча тушадиган, ҳиссиётларга берилувчан, атрофдаги инсонлар (ота-онаси, дўстлари, курсдошлари)нинг фикрига таяниб номзодларга овоз берадиган ёшларни кўпроқ учратиш мумкин. 25-30 ёшдагилар эса маълум бир ҳаётий тажрибага эга булганлиги туфайли, ўзларининг шахсий нуктаи назарига, ҳаётий кузатишларига асосланиб, ўз танловларини амалга оширадилар. Бу ёшдаги гуруҳ вакилларида “ақл билан иш тутиш ва танлаш ҳуқуқидан самарали фойдаланиш ҳисси устувор йўналиш ҳисобланади. Сайлов жараёнининг натижалари, ҳокимият тақдири, мамлакатда содир бўлаётган ўзгаришлар келгуси ҳаёти билан чамбарчас боғлиқлигини улар яхши тушунадилар. Тадқиқотимиз давомида олинган

натижалар таҳлили ёшларнинг фаол сиёсий позицияси, давлатимиз томонидан янгиланиш даврида муҳим сиёсий вазифаларни ҳал қилишда ўзларининг кучини сафарбар қилишини англаб этиши, нафақат мамлакатимизда, балки хорижда содир бўлаётган сиёсий ҳаракатларни катта қизиқиш ва диққат билан кузатиб боришлари, жаҳон сиёсий етакчиларининг фаолиятига ҳолисона баҳо билдиришлари каби ижобий натижалар сезиларли даражада кўзга ташланмокда (2-илова). Ўтказилган тадқиқотимизда ёшларнинг ўз сиёсий билимлари даражасига берган баҳолари билан қизиқдик. Жавоблар қуйидагича бўлди (2.2.2-расм).



Ёшларнинг сиёсий кўрсатувларга бўлган муносабатларини билиш мақсадида уларга "Сиёсий кўрсатувларга муносабатингиз?" деган савол билан мурожаат қилдик. Маълум бўлишича, респондентларнинг 55 % ижобий, яъни ярмидан кўпроғи, 32,5 % эса кўрсатувларда кўпроқ бир томонлама қаралади деган муносабат, қолган 12,5% да эса кўрсатувларнинг қамров даражаси пастлигини белгилаб, муносабат билдиришган (2.2.1-расм).



Респондентларга "Сиз учун сиёсий хабарларни қайси воситалар орқали етказиб борган маъқул?" деган савол берганимизда (2.2.3-расм), уларнинг 65% хабарларни ОАВ орқали етказган маъқул деб жавоб олди. Демак, ОАВ нинг роли ёшлар фикрича ҳам анча юқоридир. Тадқиқотда ёшларга "ОАВ нинг қайси воситасидан кўпроқ фойдаланасиз?" деган савол билан мурожаат қилганимизда (2.2.4-расм), улар кўпроқ телевидениедан маълумот олишларини билдиришди. Демак, ёшлар сиёсий маданиятини шакллантириш учун миллий телекўрсатувлармизнинг сиёсий савиясини оширимиз даркор.



Сўровнома саволлари бўйича баён этилган жавобларда ҳам ёшларимизнинг сайлов жараёнларида иштирок этишларига тегишли бўлган иштиёқ (мотивлар) ўз ифодасини топган. “Нима учун сайловларда иштирок этасиз, деб қўйилган саволга ёшларнинг аксарияти - “Мен ўз мамлакатим фуқаросиман ва сайловларда иштирок этишим шарт!”; “Сиёсий жараёнларга қизиқаман ва унга таъсир этишни хоҳлайман” деб жавоб бериб, ўзининг фуқаровий позицияси, мустақил танловларини аниқ кўрсатишга ҳаракат қилганлар. Шунини таъкидлаш лозимки, ёшларнинг 54,3 фоизи “Мен ўз мамлакатим фуқаросиман”, 25,6 фоизи “Сиёсатга таъсир этишни хоҳлайман”, 10,2 фоиз “Сиёсий вазиятларга қизиқаман” деган фикрни билдиради. “Сайловларда иштирок этиш шунчаки керак” жавоби 9 фоиз ва “бошқа фикрлар” - 1 фоизни ташкил этади.

2.2.1.-жадвал

Нима учун сайловларда иштирок этасиз?	
Мен ўз мамлакатим фуқаросиман ва сайловларда иштирок этишим шарт!	54,3 %
Сиёсий жараёнларга қизиқаман ва унга таъсир этишни хоҳлайман	25,6 %
Сиёсий жараёнларга қизиқаман ва унга таъсир этишни хоҳлайман	10,2 %
Сайловларда иштирок этиш шунчаки керак	9 %
Бошқа фикрлар	1,0 %


Масалан, олий ўқув юртларида таълим оладиган ёшлар ўртасида ўтказилган сўровларда биринчи курсда тахсил оладиганлар орасида жамиятда кечаётган сиёсий жараёнлар билан қизиқмайдиганлар сони 23.5 %; иккинчи курсда - 19.6 %; тўртинчи курсда 10.9%ни ташкил қилган. Ёшлар билан бўлган суҳбатларда уларнинг кўпчилиги, меҳнатсеварлик, дўст-биродарлик, ҳалоллик каби фазилатлар кўпчиликда учрашини; ижтимоий-сиёсий фаоллик, иш ва сўз бирлиги, қатъиятлик, шахсий ҳаётий қадриятлардан ҳар қандай шароитда ҳам воз кечмаслик каби фазилатлар нисбатан озчилик тенгдошлари характерида намоён бўлаётганини қайд этганлар.

2.2.2.-жадвал

ОЎЮ талабасининг сиёсий жараёнларга бўлган қизиқиши			
1-курс талабаси	2-курс талабаси	3-курс талабаси	4-курс талабаси
23,5 %	19,6 %	12,9 %	10,5 %

Аксарият ёшларнинг жавобларида ифодаланган ватанпарварлик туйғулари уларнинг келажакка бўлган ишончи, интилиш ва эзгу-ниятлари билан изоланади, албатта. Бугунги ёшларнинг давлат сиёсати билан боғлиқ

бўлган масалалардаги қизиқиш ва ҳаракатлари акс этган фикрлари энг соғлом, аниқ ва рағон жавоблар ҳисобланади. Бироқ давлатимизда содир бўлаётган жараёнларга нисбатан айрим ёшларнинг шахсий сиёсий позицияси баъзан бефарқлик, пессимистик қарашларга таяниб қолмоқда. Улар “Сайловлардаги иштироким нима учун ва биринчи навбатда кимга керак?” деган саволимизни жавобсиз қолдиришди. Бир томондан, аксарият ёшларимиз амалга оширилаётган сайловлар жараёнларига жўш уриб қизиқиш билдирса, иккинчи томондаги эътиборсизлик, “четдан туриб томошабин бўлиш ҳолатлари уларнинг фикру-хаёлларини чалғитишга олиб келяпти. Республикамиз миқёсидаги сиёсий жараёнларга унчалик қизиқиш билдирмаган бундай ёшларнинг сони 9 фоизни ташкил этди. Бу кўрсаткич унчалик юқори бўлмасада, алоҳида фикр ва мулоҳазалар юритишга ундайди.



Сиёсий жараёнларга бефарқлик ҳодисаси бизнинг назаримизда, икки сабаб туфайли юзага келади: биринчидан, айрим ёшларнинг мамлакатимизда рўй бераётган воқеаларга нисбатан лоқайдлиги, жамият ҳаётида фаол иштирок этишни истамаслиги; иккинчидан, сайловларга боришни фойдасиз деб билгани. Чунки аксарият жавобларда “Овоз берасанми-бермайсанми, давлат сенга нимани таклиф этса, шуни қабул қиласан” деб билдирилган фикрларнинг тарқалганлигидир. Ҳар иккала тоифадагилар ёшлар орасида

учраб турувчи сиёсий саводхонлиги паст даражадаги, ўз фикрига эга бўлмаган кишилардир.

Ёшлар сиёсий маданиятининг шаклланишида уларни ҳар томонлама ахборот билан таъминлаш чора-тадбирлари муҳим аҳамиятга эга. Яъни ёш фуқароларни ўз ҳуқуқ ва мажбуриятлари, шунингдек, уларга тааллуқли бўлган барча жабҳалардаги маълумотлар билан таништириб бориш, мамлакатимизда амалга оширилаётган улкан ислоҳотлар тўғрисидаги кенг кўламли ахборотларни эътибор беришга қаратилган ташкилий ишлар ёшларнинг билим савияси дунёқараши, интеллектуал салоҳиятининг янада бойишига олиб келади. Ўзбекистонда фаолият юритиб келаётган “Камолот” ЁИХ, турли хил ижтимоий ташкилотлар, ННТ, ёшлар ташаббуси фондлари ва кўплаб ёшлар жамоалари фаолияти билан боғлиқ бўлган ахборот марказлари фаолияти шу мақсадга қаратилгандир. Бугунги кунга келиб, ёшларнинг сиёсий маданияти, уларнинг сиёсий онги, сиёсий фаоллиги билан боғлиқ бўлган кўрсаткичлари ўсиб бормоқда.

Ёшларимиз содир бўлаётган сиёсий ҳодисаларга ижобий баҳо бериб, келажакка катта умид ва ишонч билан қарамоқдалар. Улар мамлакатимизни модернизация қилиш, фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлида ўз эзгу ниятлари билан оптимистик кайфиятни намойиш этмоқда. Бироқ, бу йўлда эришилган ютуқларда тўхтаб қолиш нотўғри бўлар эди. Яна кўплаб юксак натижаларга эришиш мақсадида ёшларнинг сиёсий маданияти ва онги, сиёсий жараёнлардаги фаоллигини ошириш борасида, биринчидан, мамлакатимизда фаолият юритиб келаётган партиялар дастурларида ёшлар манфаатлари ва мавжуд бўлаётган муаммоларига янада кўпроқ эътибор қаратиш лозим. Иккинчидан, этакчи сиёсий партиялар ичида ёшлар ташкилоти фаолиятини мақсадга йўналтирилган ҳолда мустаҳкамлаб бориш керак. Учинчидан, партиявий фаолиятда ёшларга этакчи ролларни ишониб топшириш, ёшларнинг мустақил сиёсий бирлашмалари ичида уларнинг манфаатларига мос равишда ташаббус ва ижодкорликни намойиш этиши

учун кенг имкониятлар тақдим этиш лозим. Тўртинчидан, ёшлар масаласида давлат сиёсати устуворлигини мустаҳкамлаб бориш мақсадга мувофиқ.

Чунки ҳаммамизга маълум бўлган бир оддий ҳақиқат шундан иборатки, ёшлар сиёсатида сарфланган узоқ муддатли сармоя биринчи навбатда давлатнинг ижтимоий ҳаётига сарфланган сармоядир. Бешинчидан маълумки, болалар ва ўсмирларнинг тарбиясида оила ва мактаб этакчи ўринни эгаллайди. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда рўй бераётган ижобий ўзгаришларга нисбатан бефарқ ва маъсулиятсиз ҳаракатлар ва муносабатни бартараф этиш мақсадида ёшлар ва ота-оналар орасида ҳам ҳуқуқий тарбия ва ҳуқуқий саводхонликни оширишга қаратилган жойлардаги кенг қамровли тадбирларни (доира столи, семинар-тренинглар, бахс-мунозаралар, ишчи йиғинлар ва ж.з.) амалга ошириш зарур.

Юртбошимиз таъкидлаганидек: “давлат ва жамият қурилишини изчил асосда демократлаштириб бориш йўлида сўз ва ахборот эркинлиги, сайлов эркинлиги ва сайлов тизимини ривожлантириш, фуқаролик институтларини шакллантириш, фуқароларимизнинг сиёсий онги, ижтимоий-иқтисодий фаоллиги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш энг муҳим масалалардан биридир”. Бу эзгу ниятни амалга оширишда ҳал қилувчи бунёдкор куч сифатида майдонга чиқаётган, она юртимиз келажагининг эгаси бўлган миллионлаб ёшларга катта умид ва ишонч билдирилди.

Мустақиллик шароитида ёшларнинг сиёсий қарашларида бугунги ижтимоий-сиёсий тараққиёт афзалликларини акс эттирувчи ижобий жиҳатлар билан, ўтмишга хос қусурлар - лоқайдлик, бепарволик, ишга юзаки муносабат, сўз ва амалда бирликнинг йўқлиги, бетарафлик каби ижтимоий иллатлар ҳам учраб турибди.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Ёшларнинг сиёсий маданиятини оширишда оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва аҳамиятига оид масалалар юзасидан олиб борилган тадқиқот натижасида қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

- жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий муносабатларнинг мазмуни ва моҳияти тез суръатлар билан узгараётган бугунги кунда ёшларнинг мавжуд воқеликда ўз ўрнини топиши ҳамда унинг сиёсий фаоллигини юксалтириш, сиёсий маданиятини оширишда оммавий ахборот воситалари ва коммуникацияларнинг самарали фаолияти муҳим омил бўлиб хизмат қилади;

Шу билан бирга, бу борада муайян ҳукукий база яратилган бўлсада, жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох, этиш жараёнида олиб борилаётган ислохотлар ижтимоий муносабатларнинг, шу жумладан, шахс-жамият-давлат муносабатлари тизимининг мазмун ва моҳиятини муайян даражада ўзгаришига олиб келганлигини қайд этиш жоиз. Айниқса, давлат ва жамият ишларини бошқаришда фуқароларнинг иштироки доирасининг кенгаётганлиги, бунда фуқаролик жамияти институтлари, яъни сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари, оммавий ахборот воситаларининг ҳам шахс сиёсий-ҳукукий фаоллигини қўллаб-қувватловчи, ҳам давлат ҳокимияти ва мансabdор шахслар устидан жамоат назоратини ўрнатувчи тузилма сифатидаги ўрни ва аҳамияти ошиб бораётганлигини кузатиш мумкин. Албатта, бундай шароитларда амалдаги қонунчилик базасини ушбу ўзгаришларга ҳамоханг тарзда такомиллаштириб бориш муҳим вазифа ҳисобланади.

Шу жиҳатдан олганда, ёшлар сиёсий маданиятини оширишга қаратилган ишларни такомиллаштириш қуйидаги йўналишларда амалга оширилиши мақсадга мувофиқ:

- сиёсий фаол ёшларни шакллантиришда таълим ва тарбиянинг ўрни алоҳида аҳамият касб этишини эътиборга олган ҳолда, бу борадаги қонун

хужжатларига, хусусан Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш талаб этилмоқда. Бинобарин, жамиятда кечаётган модернизация жараёнлари талабларидан келиб чиқиб, янги концепция ва дастурлар қабул қилиш лозим.

- мамлакатимиз аҳолисининг деярли 64 фоизини 30 ёшгача бўлган фуқаролар³⁰ ташкил этишини ва уларнинг сиёсий-ҳуқуқий жараёнларда тобора фаол иштирок этаётганликларини ҳисобга оладиган бўлсак, 1991 йил 20 ноябрда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида" Қонуни бугунги кунда уларнинг жамият ҳаётидаги ўрни ҳамда сиёсий фаоллигини оширишга тўлиқ жавоб бермоқда, деб айтиб бўлмайди. Шу жиҳатдан олганда, мазкур қонунда ёшларнинг жамият ва давлат бошқарувида иштирок этишининг ҳуқуқий кафолатлари, шакл ва усуллари, ёшлар жамоат ташкилотларининг шакллари, уларнинг сиёсий-ҳуқуқий жараёнлардаги иштирокини белгиловчи тамойиллар, уларнинг таълим ва тарбия тизимида тегишли давлат органлари ва муассасалари билан бўладиган муносабатларининг ҳуқуқий асосларини урнатувчи қоидалар ўз ифодасини топиши лозим.

- сиёсий партиялар, давлат ҳокимияти органларида ёшлар вакиллигини белгилаш юзасидан тегишли қонунларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш зарур.

2. Ёшларнинг сиёсий-ҳуқуқий фаоллигини оширишда тегишли механизмлар ва тизимларнинг фаолиятини такомиллаштириш лозим. Бунда, шахс қамол топишининг барча босқичларида уни қонунга итоаткор, ижтимоий, сиёсий, ҳуқуқий фаол фуқаро сифатида шакллантиришга хизмат қиладиган тузилма ва институтлар (оила, таълим муассасалари, маҳалла, фуқаролик жамияти институтлари, мутассадди давлат органлари ва ташкилотлари) назарда тутилмоқда. Бугунги кунда ушбу тузилмаларнинг фаолиятида янгича услуб ва воситаларни қўллаш, яъни бунда миллий

³⁰ Қаримов И.А. Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш йулида. Т.16. - Тошкент: Ўзбекистон, 2008. -Б.163.

кадриятларимиз ва анъаналаримиз ҳамда дунё маданиятининг ютуклари, замонавий фан ва техника ривожини эътиборга олиш айниқса муҳимдир. Шунингдек, ёшлар ўртасидаги бефарқлик, лоқайдлик, эгоцентризм каби салбий ҳолатларни бартараф этишда юқорида санаб ўтилган тузилма ва институтлар фаолиятининг уйғунлиги ва ҳамкорлигини ҳамда тизимлилигини таъминлаш ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Шу ўринда, адабиёт ва санъат намоёндалари ўзларининг асарларида бугунги кун қаҳрамони сифатида ўз юрти равнаки ва келажаги учун бефарқ бўлмаган, жамият ҳаётининг барча соҳаларида амалга оширилаётган ислохотларда фаол бўлган шахсни улуғлашлари, давлат ва нодавлат тузилмалари эса бундай шахсларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш механизмларини янада такомиллаштиришлари талаб этилади.

3. Сиёсий фаол ёшларни шакллантиришга оид илмий-назарий тадқиқотлар доирасини кенгайтириш.

Шу билан бирга, ёшлар сиёсий маданияти ва ҳулк-атворини шакллантириш ҳамда сиёсий етук шахсни тарбиялаш масалалари олимлар диққат эътиборидан нисбатан четда қолганлигини қайд этиш жоиз.

Фикримизча, бу борадаги тадқиқотлар қуйидаги масалаларнинг ечимига қаратилиши лозим:

- ёшлар-жамият-давлат ўртасидаги сиёсий-ҳукукий алоқаларнинг назарий-ҳукукий асослари;
- ёшлар камол топишининг барча боскичларида уни сиёсий етук, ижтимоий, сиёсий, ҳукукий фаол фуқаро сифатида шакллантиришга хизмат қиладиган тузилма ва институтларнинг фаолияти ва ўзаро муносабатлари;
- ёшлар сиёсий маданиятини юксалтириш, сиёсий фаоллигини ошириш усул ва воситалари тизими;
- ёшлар сиёсий фаоллигини оширишга салбий таъсир этувчи омиллар, ҳолатларни олдини олиш ва бартараф этиш муаммолари ва бошқалар.

Жамиятимиз тараккиётининг бугунги боскичида ёшлар манфаатларини олий қадрият сифатида тан олиш ва ҳар томонлама баркамол инсонни шакллантириш, уни сиёсий билимдонлик даражасини юксалтириш масалалари алоҳида тадқиқот объекти сифатида майдонга чиқмоқда. Бунда асосий вазифа бўлиб ёшларнинг ўз-ўзини англаш жараёнида сиёсий ва ҳуқуқий омилларни аниқлаш, унинг ҳуқуқий воқеликдаги ўрни ва мақомини белгилаш ҳисобланади. Бу борадаги механизм ўзида сиёсий-ҳуқуқий фаолликнинг норматив асослари тизимини намоён этиб, унинг ёрдамида алоҳида шахснинг жамият сиёсий -ҳуқуқий ҳаётида иштирок этиш шакллари, усуллари ва даражалари аниқланади. Сиёсий фаол ёшларни шакллантиришда энг муҳим омил бу - унинг сиёсий ва ҳуқуқий онги даражасини юксалтириш ҳисобланади. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов ҳақли равишда таъкидлаб ўтганидек,, "жамиятнинг демократия йўлидан жадал ривожланиши ва бу борада амалга оширилаётган ислохотларнинг муваффақияти кўп жihatдан одамларнинг сиёсий-ҳуқуқий онги ва сиёсий-ҳуқуқий маданият даражасига боғлиқдир. Юксак ҳуқуқий маданият - демократик жамият пойдевори ва ҳуқуқий тизимнинг етуклик кўрсаткичидир"³¹.

Хулоса ўрнида қайд этиш жоизки, ёшларнинг сиёсий ҳуқ-атвори ва ҳуқуқий ҳуқ-атворини ҳамда сиёсий ва ҳуқуқий маданиятини шакллантириш муаммоларини ҳал этишдан аввало давлатнинг ўзи манфаатдор бўлиши лозим. Бунда давлат сиёсий-ҳуқуқий жиҳатдан фаол шахсни тарбиялашни амалда таъминлаш мақсадида жамиятга таъсир кўрсатишнинг стратегик йўналишларини белгилаши зарур.

³¹Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. 2010 йил 12 ноябрь. –Тошкент: Ўзбекистон, 2010. – Б.27.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Вазирлар Маҳкамаси Қарорлари, Президент И. А. Каримов асарлари, Фармонлари

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент. “Ўзбекистон” 2011й.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Оммавий ахборот воситалари соҳасида кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш давлат Дастури тўғрисида» Қарори. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 31-32-сон, 319-модда.
3. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 25-сон, 287-модда; 51-сон, 514-модда; 2008 й., 52-сон, 513-модда).
4. Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида" ги Қонуни. (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси, 1998 й., 5-6-сон, 102-модда;
5. Каримов И.А “Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари”. – Т. “Ўзбекистон”,1997, 182-бет.
6. Каримов И.А Озод ва обод Ватан Эркин ва фаровон ҳаёт- пировард мақсадимиз. Т.: Ўзбекистон, 2000 й. Б-25.
7. Каримов И.А. Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз бўлсин // Адолат, ватан ва халқ манфаати ҳар нарсадан улуғ.- Тошкент: “Маънавият”, 1998.-Б.57.
8. Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. Т.7. - Тошкент: Ўзбекистон, 1999. - Б.391.
9. Каримов И.А. Биз танлаган йўл- демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли-Тошкент: Ўзбекистон, 2005.Т.11.-345б.
10. Каримов И.А. Биздан озод ва обод ватан қолсин.- Т.2-Тошкент: Ўзбекистон, 1996.Т.2.-348 б.
11. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир.-Тошкент: Ўзбекистон 1996. Т.3.- 350 б.
12. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. 2010 йил 12 ноябрь. – Тошкент: Ўзбекистон, 2010. – Б.27.
13. Каримов И.А. Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодийтимизни барқарор ривожлантириш йулида. Т.16. - Тошкент: Ўзбекистон, 2008. - Б.163.
14. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида.-Тошкент: Ўзбекистон, 1995.-79 б.

15. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таъдид ва шартлари.-Тошкент: Ўзбекистон, 1997.-318 б.
16. Каримов И.А. Ўзбекистон: ўз истилол ва тараққиёт йўли.-Тошкент: Ўзбекистон, 1992. Т.1.-71 б.
17. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. — Т., “Ўзбекистон”, 1995.
18. Каримов И.А. Эркин ва фаровон ҳаётни юксак маънавият сиз қуриб бўлмайдисиз.-Тошкент. Ўзбекистон 2006.-79.б
19. Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. Т. “Маънавият” 2008. Б.53.
- 20.

2. Ўқув адабиётлар, қўлланма ва рисолалар

21. Абзалов Э.М.. Ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини шакллантириш муаммолари.—Т., 2000.
22. Алмонд Г., Пауэлл Дж., Стром К., Дальтон Р. Сравнительная политология сегодня:Мировой обзор:Учебное пособие.-М.:Аспект Пресс, 2002.
23. Бобомуродов Э. Духовные обновление общества и изменение общественной психологии молодежи Узбекистана (социально-философский анализ) Авт.дисс.на соис.уч.степ док.ф.н.;
24. Ганиева М.Х. Формирование правовой культуры молодежи Узбекистана // Общественное мнение. Права человека, 2004.№3.-С.48-43.
25. Ганиева М.Х.Ценностные ориентации молодежи Узбекистана // «Ёшлар муаммолари ва уларни ечими; ҳолати ва истиқбол».- Тошкент.:Ёшлар муаммолари институти, 2003. —Б.109-114
26. Дюркгейм Э. О разделении общественного труда. Одесса, 1900.
27. Жиянмуратова Г.Ш. .“Ўзбекистон ёшларининг сиёсий фаоллигини оширишда электорал маданият омили”.“Ўзбекистоннинг мустақил тараққиёт йўли ва ижтимоий-фалсафий тафаккур янгиланиши”. Ёш олимлар илмий конференцияси материаллари. I қисм. — Тошкент, 2011. — Б. 250-253;
28. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси. — Т., “Адолат”, 1992.
29. Исломов З, Хусанов О, Мирҳамидов И. Ҳуқуқшунослик. Маърузалар матни. —Т.: 2000 й. 47-б.
30. Исломов З. Общество Государство Право —Т. Адолат 1998 йил 24-28 бет.
31. Қайюмов Р.Қ. Ўзбекистон Республикасининг конституциявий ҳуқуқи. — Т., “Адолат”, 1998.
32. Латипова Н.М. Молодежь в социальной структуре узбекистанского общества // Общественное мнение. Права человека, 2004.-№3.-С.138-146.

33. Латипова Н.М. Роль молодых специалистов в трансформации социальной структуры узбекистанского общества: автореф. дис. ... канд. социол. наук. – Ташкент, 2009. – 29 с.;
34. Латипова Н.М., Умурзакова Р.А. Ўзбекистон ёшларига жамиятдаги ижтимоий ўзгаришларнинг таъсири // Иқтисод ва таълим. – Тошкент, 2006. – №3. – 24-28 б.;
35. Макиавелли Н. Государь. – М.: Планета, 1990.
36. Мертон Р. Явные и латентные функции // Американская социологическая мысль: Тексты.-М., 1994.
37. Норт Д. Институты, институциональные изменения и функционирование экономики. М., Фонд экономической книги «Начала», 1997.
38. Одилкориев Х.Т., Гойибназаров Ш.Г. Сиёсий маданият. - Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2004. -Б. 175.
39. Орзих М.Ф. Личность и право.– М. Юрид. 1975 с-101.
40. Политология. Курс лекций. Под ред. д.ю.н., проф. М.Н.Марченко. Изд. 3-е, перераб. и доп. - М.: Издательство ЗЕРЦАЛО, 1999. -С.368.
41. Соловьев О.М. Политические институты. – Спб., 2003.
42. Таджиханов У. Саидов А. Хуқуқий маданият назарияси. –Т. Ўзбекистон. РИИВ акад. 1998 й. 33-б.
43. Тайжанова Н.С.Ёшлар ижтимоий фаоллигини оширишда миллий менталитетимизнинг таъсири. // “Шахс ва жамият” фанини ўқитишнинг долзарб масалалари мавзuidaги Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. Тошкент 2011 йил. ЎЗМУ. 0,2 б.т.216-218 бетлар.
44. Токвиль Алексис де. Демократия в Америке: Пер. с франст./ Предисл. Гарольда Дж. Ласки. — М.: Прогресс, 1992
45. Фролов С.С.Социология.-М.:Наука,1994.
46. Хакимов Н.Х. Ижтимоий экология. – Тошкент, 2007.
47. Хантингтон С. Политический порядок в меняющихся обществах.- М.:Прогресс-Традиция, 2004.

3. Диссертациялар ва авторефератлар

48. Давлетова М.Ш.. Ўзбекистон давлатининг олий таълим соҳасидаги сиёсати ва унинг ривожланиши. Сиёс.ф.н. илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация автореферати. Т.: 2007;
49. Жўраев Б.Х “Ўзбекистонда жамиятни демократиялашуви жараёнида ёшлар сиёсий фаоллиги муаммоси”. Сиёс.ф.н. илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация автореферати. Т.: 2004;
50. Жўраев С.. “Ўзбекистон давлатининг ёшларга доир сиёсати: назария ва амалиёт”. Сиёс.ф.док. илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация автореферати. Т.:1994;

51. Кодирова З.Р. Проблемы повышения социальной активности молодежи Узбекистана в условиях всестороннего реформирования общества. Авт.на соиск.уч.степ.д.филос.н. Т.: 2000;.
52. Маликов Т.Т. Диалектика формирования активной жизненной позиции молодежи. Авт.дисс.на соис.уч.степ.к.филос.н. Т.:1993;
53. Ражабова М. Шахс сиёсий маданиятини шакллантиришнинг ҳозирги босқичдаги хусусиятлари” мавзусидаги номзодлик диссертацияси, 2003.
54. Тангриев Л. “Ёшлар сиёсат субъекти: бандлик муаммоси”. Сиёс.ф.н. илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация автореферати. Т.: 2000;.
55. Тўйчиев Б.Т. Методологический анализ формирования и развития политической культуры и демократизация современного общества : автореферат диссертации ... доктора философских наук : 09.00.01 ТашГУ, Ташкент, 1991. –37 с.
56. Ҳасанов Н.Н.. Истиқлол даврида ёшлар ҳуқуқий маданиятини шакллантириш жараёнларининг социологик таҳлили/ Соц.ф.н. илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация автореферати. – Т.: 2007;
57. Эргашев. И. Мустақил Ўзбекистон Республикасининг қишлоққа доир сиёсати: назария ва амалиёт. Сиёсий фанлар доктори илмий даражасини олиш учун тайёрланган дисс. авт. - Т.: 1995.

5. Хорижий адабиётлар

58. Hyman H. Political Socialization: a study in the psychology of political behavior. - Glecoe, 1959.
59. Merelman R. M. Revitalizing Political Socialization // Hermann M. (ed.) Political Psychology. - San-Francisco, 1986. – P.279-319.
60. Weber M. Essays on sociology. N. Y., 1964.

6. Интернет маълумотлари

61. www.ziynet.uz
62. www.gov.uz
63. www.forum.uz
64. www.microcenter.ru
65. www.referat.uz

**«ЁШЛАРИНИНГ СИЁСИЙ МАДАНИЯТИНИ
ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ»
МАВЗУИДАГИ ТАДҚИҚОТ
ДАСТУРИ**

Муаммони қўйиш: Эълон қилинган мустақил, янги давлатнинг мавжудлиги ва барқарорлигининг асосий манбаси-сиёсий онг ва сиёсий маданиятга эга бўлган фуқаролари (яъни, аввало ёш авлод) этиб белгиланди. Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганларидек, «Ҳар қандай жамиятда демократия қай даражада эканлигини белгиловчи камида учта мезон мавжуд. Булар-халқнинг қарорлар қабул қилиш жараёнларидан қанчалик хабардорлиги, ҳукумат қарорлари халқ томонидан қанчалик назорат қилиниши, оддий фуқароларнинг давлатни бошқаришда қанчалик иштирок этишидир»³².

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, давлатимизнинг бугунги ва келажакдаги дунё нигоҳида ўрни ва тараққиёти бевосита ўсиб келаётган авлоднинг илмий ва касбий салоҳиятлари билан чамбарчас боғлиқдир.

Муаммонинг долзарблиги биринчидан, ёшларнинг сиёсий жараёнлардаги ўрни ва ролини ўрганиш билан боғлиқ; иккинчидан, сиёсий жараёнларнинг демократиялашувида ёшлар сиёсий маданиятининг ўрни масаласига социологик нуқтаи назаридан ёндашиб, ўрганилганида илмий-тадқиқот ишлари ижтимоий-сиёсий фанларда етарлича амалга оширилмаётганлиги билан изоҳлаш мумкин; учинчидан, ёшларнинг сиёсий маданиятини шакллантириш ва сиёсий жараёнлардаги иштирокининг ўзига хос хусусиятларини ўрганишнинг ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга эканлиги билан алоқадор. Бу республикадаги ёшлар улуши юқори эканлиги, умуман ёшларнинг ўрни ва роли, ёшларнинг таркиби, хусусиятлари, сиёсий ҳаётдаги иштироки билан алоқадор эканлиги; тўртинчидан, ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги, уларнинг жамоат бирлашмалари билан алоқаси, тегишли сиёсий институтлар орқали давлат ва жамият қурилиши жараёнларини тушуниб етиши ва бу соҳалардаги иштирокига ҳалақит бераётган айрим омиллар, шарт-шароитларни таҳлил этишга бўлган зарурат ҳам уни ўрганишни тақозо этади; бешинчидан, ёшлари таркиби, уларнинг онг ва дунёқараши, сиёсий мақсад ва интилишларининг қандай йўналишга асосланиши уларнинг сиёсий маданиятининг шаклланишига ўз таъсирини кўрсатади; олтинчидан, ёшларнинг сиёсий жараёнларда иштироки, қарорлар қабул қилишда уларнинг ўрни, роли давлатнинг ёшларга доир сиёсатидан келиб чиққан ҳолда ўрганишни тақозо этади; еттинчидан, сиёсий жараёнларда ёшларининг сиёсий маданиятининг ўрнини чуқур ўрганиш асосида илмий далилларга асосланган хулосалар, ечимлар, уларнинг сиёсий

³² Каримов И.А. Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз бўлсин // Адолат, ватан ва халқ манфаати ҳар нарсадан улуғ.- Тошкент: “Маънавият”, 1998.-Б.57.

маданиятини янада оширишга кўмак берадиган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишга бўлган эҳтиёж билан боғлиқ.

Тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари: Жамиятимиз тараққиётида ёшларнинг сиёсий онг, ва тафаккурини ошириш давлатимизнинг келажагдаги тараққиётининг омили бўлиб хизмат қилади. Улар учун яратиб берилатган замонавий шарт-шароитлар анна шу салоҳиятларини тўла шаклланишига ҳам асосдир. Шунинг ҳисобга олган ҳолда Ушбу тадқиқотнинг асосий мақсади – талаба-ёшларнинг олдида турган бугунги муаммоларни, олдини олиш ва уларнинг ижтимоийлашувини омилларини янада яхшилаш йўлларини кўрсатиб беридан иборатдир. Чунки, бугунги кунда мафкуравий хавф-хатар мавжуд бўлган пайтда уларни ана ҳолатларга чалғиб қолмаслигини ҳам олидини олишда юқоридаги ташкилий ишлар муҳим аҳамият касб этади. Ёшларнинг сиёсий маданиятининг аҳволи бу жамиятнинг сиёсий барқарорлигининг асосий калити эканлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Ана шу мақсадларни амалга ошириш учун қуйидаги асосий вазифаларни амалга ошириш лозим:

- ✓ Ёшларнинг сиёсий таълим бериш шароитларини яхшилаш ва такомиллаштириш йўлларини кўрсатиб бериш.
- ✓ Талабаларнинг сиёсий маданиятини хизмат қиладиган амалий тадбирларнинг кўламини янада кенгайтиришга қаратилган кўлланмалар ва жиҳозлар билан таъминлаш масаласини таҳлил қилиш;
- ✓ ёшларнинг сиёсий жараёнларда иштироки, унинг демократиялаштириш билан боғлиқ жиҳатлари ўрганиш;
- ✓ ёшларининг таркиби, уларнинг сиёсий ҳаётни идрок этиш ва сиёсий жараёнларга кириб келиш шарт-шароит ҳамда омилларини ўрганиш;
- ✓ ёшларнинг сиёсий маданиятини шакллантиришда оммавий ахборот воситаларининг таъсирини таҳлил қилиш;
- ✓ Ёшларнинг бугунги кундаги Ўзбекистондаги ижтимоий-сиёсий жараёнларга муносабати ва унда бевосита иштирокларини қанчалик даражада эканликларини аниқлаш;
- ✓ -Ўзбекистонда амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий тадбир, ислохотлардан ёшларнинг қанчалик хабардорлик даражасини аниқлаш ва кучайтириш усулларини ишлаб чиқиш.
- ✓ муаммо бўйича амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг асосий объекти: Тадқиқотнинг асосий объекти бўлиб бугунги кунда олий таълим тизимида таҳсил олаётган ёшлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети: ёшлар сиёсий маданиятини шакллантиришнинг омиллари, хусусиятлари ва уларни ёшлар ҳаётидаги ўрнини белгилаш, сиёсий жараёнларда ёшларнинг иштироки муаммоси ҳисобланади.

Тадқиқотнинг гипотезаси: Тарихдан маълумки, ҳар қандай давлатнинг келажагдаги тараққиёти ёш, истеъдодли шахсларининг хизматига боғлиқ. Бу

жараён бугунги кунда ҳам исботини талаб қилмаган аксиомага айлангани ҳаммамизга маълум. Юқоридаги жараёнларнинг бугунги кундаги даражасини аниқлаш, камчиликларни бартараф қилиш орқали том маънода ана шу тарихий тараққиётнинг давомийлигини таъминлаган бўламиз. Чунки талаба-ёшлар мисолидаги сиёсий маданиятини шакллантириш бутун Ўзбекистоннинг келгусидаги муваффақиятининг асосий калити ҳисобланади.

Сўров ўтказиш методикаси: Ушбу тадқиқот анкета усулида эҳтимолий танлов асосида амалга оширилади. Режалаштирилган респондентларнинг сони 50 тани ташкил қилади.

Тадқиқотнинг асосий индикатори: Тадқиқотнинг асосий вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, қуйидаги индикаторлардан фойдаланиш лозим:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси томонидан қабул қилинган қонунлар тўплами;

2. Ёшларнинг таълим-тарбия жараёнлари ва уларнинг сиёсий онг, маданиятига юксалтиришга қаратилган турли институтларнинг фаолияти (Камолот, Ёшлар ташаббуслари маркази, Фонд Форум, сиёсий партия нашрлари ва ҳақозо);

Тадқиқотнинг якуний дастури: ҳисобот, хулоса ва таклифлар.

Қутилаётган натижалар: Ушбу тадқиқот бугунги кундаги ёшларнинг сиёсий маданиятини шакллантириш муаммоларига қаратилганлиги билан алоҳида аҳамиятга эга. Бунда аввало, сиёсий маданиятини шакллантиришни амалга оширишдаги тўсиқлар, уни ривожлантириш қонуниятларини очиқ беришда катта рол ўйнайди. Шунингдек, ёшлар орасида сиёсий ўзгаришлардан воқифлик даражасини ошириб бериш йўллари кўрсатиб беришда амалий аҳамиятга эга.

СОЦИОЛОГИК ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

1-жадвал

"Сиз сайловларда бевосита иштирок этасизми?"		
Жавоблар	Жавоблар сони	
	сон	% ҳисобида
1. Ҳа, мен ўзим қатнашаман	34	77.50%
2. Сайловларда асосан ота-онам ёки бошқалар менинг ўрнимга овоз беришади	10	15.00%
3. Умуман сайловларда қатнашмаганман	6	7.50%
Ҳаммаси	50	100.00%

2-жадвал

"Ўзбекистондаги сиёсий партиялар тўғрисида маълумотга эгасизми?"		
Жавоблар	Жавоблар сони	
	сон	% ҳисобида
1. Ҳа, тўлиқ маълумотга эгаман	10	17.50%
2. Қисман биламан	25	50.00%
3. Сиёсий партиялар фаолиятига қизиқмайман	14	30.00%
4. Умуман маълумотга эга эмасман	1	2.00%
Ҳаммаси	50	100.00%

3-жадвал

"Сиёсий ахборотларга қай даражада қизиқасиз?"		
Жавоблар	Жавоблар сони	
	сон	% ҳисобида
1. Жуда қизиқаман	38	77.50%
2. Қизиқишдан кўра қизиқмайман	7	12.50%
3. Умуман қизиқмайман	5	10.00%
Ҳаммаси	50	100.00%

4-жадвал

"Сиёсий ахборотларни асосан қайси воситалар орқали оласиз?"		
Жавоблар	Жавоблар сони	
	сони	% ҳисобида
1. Телевидениедан	48	97.50%
2. Радиодан	3	7.50%
3. Газета ва журналлардан	2	5.00%
4. Интернет орқали	7	17.50%
<i>Ҳаммаси</i>	50	100.00%

5-жадвал

"Сизнингча ёшлар сиёсий маданиятини ошириш учун қандай тадбирларни амалга ошириш лозим деб ўйлайсиз?"		
Жавоблар	Жавоблар сони	
	сони	% ҳисобида
1. Ўқув юртларида таълим жараёнини замонавийлаштириш	22	42.50%
2. Турли ҳил сиёсий тадбирларни ўтказиш	6	12.50%
3. Ёшлар сиёсий фаолияти даражасини аниқлаш	8	20.00%
4. Аҳоли маълумотлилиқ даражасини ошириш	14	25.00%
<i>Ҳаммаси</i>	50	100.00%

6-жадвал

"ОАВ нинг қайси воситасидан кўпроқ фойдаланасиз?"		
Жавоблар	Жавоблар сони	
	сони	% ҳисобида
1. Телевидениедан	34	67.50%
2. Радиодан	6	12.50%
3. Газета ва журналлар	8	15.00%
4. Интернет	2	5.00%
<i>Ҳаммаси</i>	50	100.00%

7-жадвал

"Ўз сиёсий билим даражангизни қандай баҳолайсиз?"		
Жавоблар	Жавоблар сони	
	сони	% ҳисобида
1. Яхши	24	45.00%
2. Ўрта	24	52.50%
3. Паст	2	2.50%
<i>Ҳаммаси</i>	50	100.00%

8-жадвал

"Сизнинг маҳаллангизда сиёсий партия вакиллари билан учрашувлар бўлиб турадими?"		
Жавоблар	Жавоблар сони	
	сони	% ҳисобида
1. Ҳа, кўп маротаба	2	5.00%
2. Ҳа, баъзан	26	57.50%
3. Йўқ, умуман	22	37.50%
<i>Ҳаммаси</i>	50	100.00%

9-жадвал

"Сиз таълим олаётган ёки ишлаётган ташкилотларда сиёсий билимлар бериб бориладими?"		
Жавоблар	Жавоблар сони	
	сони	% ҳисобида
1. Ҳа, кўп маротаба	18	37.50%
2. Ҳа, баъзан	22	45.00%
3. Йўқ, умуман	10	17.50%
<i>Ҳаммаси</i>	50	100.00%

10-жадвал

"Сиёсий партиялар дастурларидан хабардормисиз, агар хабардор бўлсангиз қандай билиб олгансиз?"		
Жавоблар	Жавоблар сони	
	сони	% ҳисобида
1. Ҳа, тўлиқ маълумотга эгаман	2	2.50%
2. Қисман биламан	28	60.00%
3. Сиёсий партиялар фаолиятига қизиқмайман	20	37.50%
<i>Ҳаммаси</i>	50	100.00%

11-жадвал

"Сиз учун сиёсий хабарларни қайси воситалар орқали етказиб борган маъқул?"		
Жавоблар	Жавоблар сони	
	сон	% ҳисобида
1. ОАВ орқали	32	65.00%
2. Турли хил сиёсий йиғинлар орқали	5	7.50%
3. Ўқиш ва иш жойларидаги тадбирлар орқали	12	27.50%
Ҳаммаси	50	100.00%

12-жадвал

"Сиз таълим олган мактабда ҳуқуқшунослик дарслари қай даражада ўтилган"		
Жавоблар	Жавоблар сони	
	сон	% ҳисобида
1. Жуда яхши ўтилган	25	52.50%
2. Қониқарли даражада ўтилган	20	35.00%
3. Қониқарсиз даражада	5	12.50%
Ҳаммаси	50	100.00%

13-жадвал

"Оилангиз даврасида сиёсат тўғрисида суҳбатлар бўлиб турадими?"		
Жавоблар	Жавоблар сони	
	сон	% ҳисобида
1. Ҳа, жуда кўп	7	12.50%
2. Баъзан	26	60.00%
3. Йўқ, умуман	17	27.50%
Ҳаммаси	50	100.00%

14-жадвал

"Сиёсий кўрсатувларга муносабатингиз?"		
Жавоблар	Жавоблар сони	
	сон	% ҳисобида
1. Ижобий	27	55.00%
2. Уларда кўпроқ бир томонлама қаралади	19	32.50%
3. Кўрсатувларнинг қамров даражаси паст	4	12.50%
Ҳаммаси	50	100.00%

15-жадвал

"Жинсингиз"		
Жавоблар	Жавоблар сони	
	сони	% ҳисобида
1. Аёл	22	44.00%
2. Эркак	28	56.00%
Ҳаммаси	50	100.00%

16-жадвал

"Маълумотингиз"		
Жавоблар	Жавоблар сони	
	сони	% ҳисобида
1. Олий	2	4,0%
2. Тугалланмаган олий	40	80.00%
3. Ўрта махсус	8	16.0%
Ҳаммаси	50	100.00%

17-жадвал

"Ёшингиз"		
Жавоблар	Жавоблар сони	
	сони	% ҳисобида
1. 18-19	4	7.50%
2. 20-21	21	42.50%
3. 22-23	15	30.00%
4. 24-25	10	20.00%
Ҳаммаси	50	100.00%

18-жадвал

"Партиявийлигингиз "		
Жавоблар	Жавоблар сони	
	сони	% ҳисобида
1. Йўқ	50	100.0%
Ҳаммаси	50	100.00%

СИЁСИЙ
МАДАНИЯТ

КИШИЛАРНИНГ СИЁСИЙ ОНГИДАН

КИШИЛАРНИНГ ЭЪТИҚОДИДАН

КИШИЛАРНИНГ МАНФААТЛАРИДАН

КИШИЛАРНИНГ МАҚСАДЛАРИДАН ИБОРАТ

ЗИЁЛИЛАРГА -

ФАН ХОДИМЛАРИ

ЎҚИТУВЧИЛАР

ТЕХНИКЛАР


МУҲАНДИСЛАР

ШИФОКОРЛАР

**СИЁСИЙ МАДАНИЯТНИНГ МАВЖУДЛИК
УСУЛЛАРИ:**

ЖАМИЯТНИНГ СИЁСИЙ- МАДАНИЙ БОЙЛИГИ

ЖАМИЯТНИНГ АМАЛИЙ-СИЁСИЙ МАДАНИЯТИ



**«Ёшларининг сиёсий маданиятини шакллантиришнинг долзарб
муаммолари» мавзуидаги
АНКЕТА САВОЛЛАРИ**

- 1) **"Сиз сайловларда бевосита иштирок этасизми?"**
 4. Ҳа, мен ўзим қатнашаман
 5. Сайловларда асосан ота-онам ёки бошқалар менинг ўрнимга овоз беришади
 6. Умуман сайловларда қатнашмаганман
- 2) **"Ўзбекистондаги сиёсий партиялар тўғрисида маълумотга эгамисиз?"**
 5. Ҳа, тўлиқ маълумотга эгаман
 6. Қисман биламан
 7. Сиёсий партиялар фаолиятига қизиқмайман
 8. Умуман маълумотга эга эмасман
- 3) **"Сиёсий ахборотларга қай даражада қизиқасиз?"**
 4. Жуда қизиқаман
 5. Қизиқишдан кўра қизиқмайман
 6. Умуман қизиқмайман
- 4) **"Сиёсий ахборотларни асосан қайси воситалар орқали оласиз?"**
 5. Телевидениедан
 6. Радиодан
 7. Газета ва журналлардан
 8. Интернет орқали
- 5) **"Сизнингча ёшлар сиёсий маданиятини ошириш учун қандай тадбирларни амалга ошириш лозим деб ўйлайсиз?"**
 5. Ўқув юртларида таълим жараёнини замонавийлаштириш
 6. Турли ҳил сиёсий тадбирларни ўтказиш
 7. Ёшлар сиёсий фаолияти даражасини аниқлаш
 8. Аҳоли маълумотлилиқ даражасини ошириш
- 6) **"ОАВ нинг қайси воситасидан кўпроқ фойдаланасиз?"**
 5. Телевидениедан
 6. Радиодан
 7. Газета ва журналлар
 8. Интернет
- 7) **"Ўз сиёсий билим даражангизни қандай баҳолайсиз?"**
 4. Яхши
 5. Ўрта
 6. Паст
- 8) **"Сизнинг маҳаллангизда сиёсий партия вакиллари билан учрашувлар бўлиб турадими?"**
 4. Ҳа, кўп маротаба

5. Ҳа, баъзан
6. Йўқ, умуман
- 9) **"Сиз таълим олаётган ёки ишлаётган ташкилотларда сиёсий билимлар бериб бориладими?"**
 4. Ҳа, кўп мартаба
 5. Ҳа, баъзан
 6. Йўқ, умуман
- 10) **"Сиёсий партиялар дастурларидан хабардормисиз, агар хабардор бўлсангиз қандай билиб олгансиз?"**
 4. Ҳа, тўлиқ маълумотга эгаман
 5. Қисман биламан
 6. Сиёсий партиялар фаолиятига қизиқмайман
- 11) **"Сиз учун сиёсий хабарларни қайси воситалар орқали етказиб борган маъқул?"**
 4. ОАВ орқали
 5. Турли ҳил сиёсий йиғинлар орқали
 6. Ўқиш ва иш жойларидаги тадбирлар орқали
- 12) **"Сиз таълим олган мактабда ҳуқуқшунослик дарслари қай даражада ўтилган"**
 4. Жуда яхши ўтилган
 5. Қониқарли даражада ўтилган
 6. Қониқарсиз даражада
- 13) **"Оилангиз даврасида сиёсат тўғрисида суҳбатлар бўлиб турадими?"**
 4. Ҳа, жуда кўп
 5. Баъзан
 6. Йўқ, умуман
- 14) **"Сиёсий кўрсатувларга муносабатингиз?"**
 4. Ижобий
 5. Уларда кўпроқ бир томонлама қаралади
 6. Кўрсатувларнинг қамров даражаси паст
- 15) **"Ёшингиз"**
 1. 18-19
 2. 20-21
 3. 22-23
 4. 24-25
- 16) **"Жинсингиз"**
 3. Аёл
 4. Эркак
- 17) **"Маълумотингиз"**
 1. Олий
 2. Тугалланмаган олий
 3. Ўрта махсус
- 18) **"Партиявийлигингиз "**
Йўқ